БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 101 (592)

23 МАЙ ЧОРШАНБА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

СССР Молия министрлигининг ахбороти

32 миллиард сўмлик қилиб чиқарилган СССР халқ хўжалигини ривожлантириш Давлат заёми (1956 йилги чиқарилиши) 21 май кунининг охиригача 34 миллиард 305 миллион 323 минг сўм миқдорида тарқатилди.

СССР Министрлар Советининг кўрсатмасига асосан, СССР Молия министрлиги заёмга ёзилишни ҳамма жойда тўхтатиш тўғрисида фармойиш берди.

СССР Молия министри А. ЗВЕРЕВ.

1956 йил, 22 май.

Меҳнаткашларнинг ёзги дам олишини намунали ўтказайлик

Меҳнаткашларнинг соғ-саломатлиги ва куч-гайратларини тиклаш учун табиатдан кенг фойдаланадиган, тоғ, дарё, кўл, анҳор, боғ ва ўрмонларга бой ўлкамиз бўйлаб кўнгилли саёҳат қиладиган баракали ёз мавсуми бошланди.

Катта ёшдаги кишилар фидокорона ва самарали меҳнатдан сўнг қонуний отпуска оладилар, илмга меҳр-муҳаббат ҳислари билан тўлиб-тошган ёшлар ўқув йилини муваффақиятли якунлаб ёзги таннафусга чиқадилар. Сўнгра улар бепоён Ватанимизнинг табиий жиҳатдан кўркам жойларидаги курорт, санаторий, пионер лагерлари ва дам олиш уйларига жўнаб кетадилар. Чунки, кўнгилли ва фойдали ўтказилган ҳамда врачлар назорати остида уюштирилган дам олиш қисқа муддат бўлса ҳам организм кучини қайта тиклашга ёрдам беради, актив фаолият, самарали меҳнат ва ўқиш учун мустаҳкам замин яратади.

Партия, ҳукуматимиз совет кишиларининг бахт-саодати ва роҳат-фароғати тўғрисида ҳамишa ғамхўрлик қилиб, уларнинг саломатлигини сақлаш ва меҳнат қобилиятларини мустаҳкамлаш учун барча қулай имкониятларни яратиб бермоқдалар. Мамлакатимизда дам олиш ва даволаш муассасаларининг тармоқлари йил сайин кенгаймоқда, меҳнаткашларнинг дам олишини уюштириш учун давлат бюджетидан ҳар йили жуда кўп миқдорда маблағ сарфланмоқда.

Республикамизнинг, шу жумладан областимизнинг иқлимий жиҳатдан гўзал жойларида ҳар йили янги санаторийлар, дам олиш уйлари, тоғ-климатик курортлар ва бошқа кўпгина даволаш муассасалари очилмоқда. Уларда ҳар йили неча минглаб ишчилар, хизматчилар ва колхозчилар совет қонунида белгиланган имтиёзлардан фойдаланиб, маданий дам олмоқдалар ва ўз соғлиқларини янада мустаҳкамлаб қайтмоқдалар. Ўтган беш йиллик мобайнида республикамизда больнеологик ва иқлимий курортлар барпо этиш учун яроқли бўлган 33 та минерал сув манбалари топилди ва ўрганилди. Бу бой табиий манбалар курорт ва санаторий ишини ривожлантиришда айниқса катта роль ўйнамоқда. Тошкентдаги «Победа» ўрмонпаркига яқин жойда янги минерал сув манбаи очилди. Бу даволаш суви таркибий жиҳатдан Калинин районида топилган минерал сувга ўхшайди ва турли касалликларни жуда қулай воситалар билан даволаш имкониятини беради.

КПСС XX съездининг олтинчи беш йиллик план юзасидан Директиваларида курорт, санаторий ҳамда дам олиш ва даволаш ишларининг бошқа хил формаларини янада ривожлантириш кўзда тутилади. Бу областимизда дам олиш ва соғламлаштириш муассасалари шохобчаларини кенгайтириш учун катта имкониятлар туғдиради.

Бўстонлиқ районининг Ўзбекистон ССР составига қўшилиши муносабати билан республикамиз курортологлари олдида янги вазифалар пайдо бўлди. Бу районда курорт ишларини кенг кўламда ривожлантириш керак. Бунинг учун соғлиқни сақлаш мақсадларида фойдаланилаётган Чимён, Оқтош ва Бурчмулла биланигина чекланиб қолмай, мазкур районни чуқур ўрганиш лозим. Чунки, Бўстонлиқ тоғлиқ район сифатида курорт шохобчаларини кенгайтириш учун энг қулай жойдир.

Дам олиш ва даволаниш учун қулай бўлган энг яхши фаслнинг бошланишига жуда оз вақт қолди. Областимиздаги кўпгина санаторий ва дам олиш уйлари меҳнаткашларни кутиб олишга ҳамда уларнинг ёзги дам олишини намунали уюштиришга пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Тошкент яқинида жойлашган «Стахановец» неврология санаторийсида ёз мавсумига яхши тайёргарлик кўрилди. Йўллар, хиёбонлар тартибга солиниб, янги гулзор ва майсазорлар бунёдга келтирилди. Бу йил санаторийдаги ўринлар сони кўпайтирилди.

«Оқтош» тоғ-климатик санаторийси мавсумга бекамц-кўст тахт қилиб қўйилди. Санаторий территориясига хилма-хил манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди, 400 кишилик янги ёзлик кино-театр қурилди, катта ётоқ корпуси капитал ремонт қилинди. Шунингдек, санаторий ходимлари ва врачлар учун 6 квартирали янги уй-жой биноси қуриб битказилди. Шу кеча-кундузда санаторий территориясида олиб борилаётган водопровод ва канализация ишлари тамомланмоқда. Тошкент яқинидаги қорин-ичак касалликларини даволайдиган «Октябрь X йиллиги», Бурчмулла ва бошқа кўпгина дам олиш уйлари ва санаторийлар медицина нуқтаи назаридан яхши дам олинадиган жойларга айлантирилди. Бу йилги мавсумда биргина «Оқтош» санаторийсида 1250 киши, Бурчмулла дам олиш уйида 2000 га яқин киши дам олади.

Бу йил дам олиш уйлари, санаторий ва пионер лагерларида мавсумга тайёргарлик ишлари бирмунча дуруст олиб борилаётганига қарамай, улардаги ўринлар шу жойларда дам олишни ва соғлиқларини мустаҳкамлашни истовчи ҳамма кишини сиғдира олмайди. Мамлакатимизнинг кўпгина областлари ва республикаларида аҳоли ёзги ойларни баҳаво, табиий жиҳатдан кўркам ерларда, шаҳар атрофидаги дачаларда ўтказадилар. Афсуски, бизда барча имкониятлар мавжудлигига қарамай дачалар қурилиши ривожлантирилмаган. Областимиздаги тоғ ёнбағирларида, соя-салқин боғлар, тошқин сой бўйларида ва бошқа ҳушманзарали ерларда меҳнаткашларнинг дам олиши, ўз отпускаларини оила аъзолари билан бирга кўнгилли ўтказишлари учун жуда қулай бўлган, лекин ҳали фойдаланилмаётган ерлар кўп. Манфаатдор ташкилотлар ана шундай ерларни ўзлаштириш, бу ерларни чинакам ҳордиқ чиқариш жойига айлантириш учун зарур чораларни кўришлари зарур.

Ўтган йиллардаги тажрибалар шуни кўрсатдики, баъзи корхона, муассаса бошлиқлари ва маҳаллий комитетлар ишчи ва хизматчиларнинг ўз отпускаларини санаторий ва дам олиш уйларида ўтказишларига яхши эътибор бермадилар, ўз ихтиёрларига берилган путёвкаларни талабгор кишиларга ўз вақтида тарқатмадилар. Ана шунинг натижасида дам олиш уйлари ва санаторийларга берилган кўпгина путёвкалар фойдаланилмай қолдирилди. Касаба союз ташкилотлари бу йил бундай ҳолларнинг содир бўлишига мутлақо йўл қўймасликлари, ҳар бир корхона, ташкилот, муассасада ишчи ва хизматчиларнинг навбатдаги меҳнат отпускаларига ўз вақтида чиқишлари, уларнинг отпуска вақтларини кўнгилли ўтказишлари устидан назорат ўрнатишлари керак.

Ўзбекистон ССР Савҳ министрлиги ва унинг жойлардаги органлари дам олиш ва соғламлаштириш муассасаларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш масаласига алоҳида эътибор беришлари, ҳамма дам олиш уйлари ва санаторийларни гўшт, сут, тухум, колбаса ва янги сабзавот маҳсулотлари билан етарли таъминлашга эришишлари лозим.

Дам олиш уйлари ва санаторий ходимлари меҳнаткашларнинг ёзги дам олиши ва даволанишларини намунали ўтказиш каби ўзаларининг шарафли бурчларини садоқат билан бажаришлари, дам олувчилар ва даволанувчилар тўғрисида ҳар томонлама меҳрибонлик қилишлари керак.

Маданият ва истироҳат парклари совет кишиларининг севиб ҳам оладиган жойларидир. Шаҳарнинг энг яхши парклари ёзги эстрадалар, лекторийлар мунтазам ишламоқда. Ҳамма маданият ва истироҳат парклари меҳнаткашларнинг чинакам ҳордиқ чиқарадиган жойига айлантириш, парклардаги лекторийларнинг ишини ва очиқ эстрада концертларининг программасини халқимизнинг ўсиб бораётган юксак маданий талабига мувофиқ қайта қуриш маданий-оқартув муассасаларининг шарафли бурчидир.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати меҳнаткашларнинг кўнгилли дам олишлари, даволанишлари, яшаш ва ишлашлари учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган барча қулай шароитларни яратиб бермоқдалар. Маҳаллий партия, совет ва касаба союз ташкилотларининг муҳим вазифаларидан бири — ана шу катта имкониятлардан тўғри фойдаланиш, ёз даврида ишчи, хизматчилар, қишлоқ хўжалик ходимлари ва мактаб ўқувчиларининг яхши дам олишларини намунали уюштиришдан иборатдир.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўртоқ Н. П. Дудоровни Ленин ордени билан мукофотлаш тўғрисида

СССР Ички ишлар министри ўртоқ Н. П. Дудоров туғилган куннинг эллик йиллиги муносабати билан, унинг совет давлати олдида қилган хизматларини тақдирлаб, ўртоқ Николай Павлович Дудоров Ленин ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. ПЕГОВ.

Москва, Кремль.
1956 йил 21 май.

СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. Е. Ворошиловнинг ва Буюк Британия Қироличаси Елизавета II нинг бир-бирларига юборган Мактублари

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин ва СССР Олий Совети Президиумининг Аъзоси Н. С. Хрушчев Буюк Британияда бўлган вақтларида Қиролича Елизавета II га СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошиловнинг Мактубини топширган эдилар.

Қиролича Елизавета II дан СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов номига жавоб Мактуби олинди.

Мактубларнинг текстлари қуйида эълон қилинади.

БУЮК БРИТАНИЯ ВА ШИМОЛИЙ ИРЛАНДИЯ ҲАМДА УЗИГА ҚАРАШЛИ БОШҚА ЕРЛАР ВА ТЕРРИТОРИЯЛАР ҚУШМА КОРОЛЛИГИ ҚИРОЛИЧАСИ, ҲАМДЎСТЛИК БОШЛИҒИ ЕЛИЗАВЕТА II ҲАЗРАТ ОЛИЯЛАРИГА

Ҳазрат Олиялари,

СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганиннинг ва СССР Олий Совети Президиуми Аъзоси Н. С. Хрушчевнинг Буюк Британияда бўлишидек қулай имкониятдан фойдаланиб Совет Иттифоқи халқлари, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиуми номидан ва шахсан ўз номимдан Сиз, Ҳазрат Олияларига ва Британия халқига самимий табриклар ва яхши истаклар топширишимга ижозат бергайсиз. Совет халқи ва бизнинг давлат арбобларимиз Британия ва Совет халқларининг иккинчи жаҳон уруши вақтида агрессия кучларига қарши биргаликда олиб борган курашларини ҳамда Буюк Британия халқининг умумий душман устидан ғалаба қозонишига қўшган катта ҳиссасини ҳамиша зўр миннуниятлар билан эсга олмоқдалар. СССР Олий Совети Президиуми, ҳозирги вақтда ҳам Совет Иттифоқи билан Қўшма Королликка ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларининг мустаҳкамланиши фақат мамлакатларимиз халқлари учунгина эмас, шу билан бирга бутун дунёда тинчликни сақлаш учун ҳам манфаатли бўлур эди, деб қатъий ишонади.

Бош министр сэр Антони Иденнинг лутфан қилган таклифига биноан Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг Сизнинг мамлакатингизга қилаётган сафари Қўшма Короллик билан Совет Иттифоқи ўртасида яхши ҳамжиҳатлик бўлишига ҳамда улар ўртасида дўстона ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам беради деб Сиз Ҳазрат Олияларига умид билдиришга ижозат бергайсиз.

Ҳазрат Олиялари! менинг Сизга бўлган чуқур ҳурматимни қабул қилгайсиз.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ

Москва, Кремль.
1956 йил 14 апрель.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ РАИСИГА

Раис жаноблари.

Сиз 14 апрельда менга юборган ва шахсан Ўз номингиздан, Совет Иттифоқи халқлари номидан ва Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиуми номидан менга ва менинг самимий салом ва яхши истакларимни ўзлаштирган Мактубингизни маршал Булганин ва Хрушчев жаноблари орқали олиб жуда хурсанд бўлдим.

Яхши ниятни ифодаси бўлган бу Мактуб учун Сизга ташаккур айтиш билан бирга мен Совет раҳбарларининг Қўшма Королликка Ҳукуматимнинг меҳмонлари сифатида қилган сафарлари иккала мамлакат ва халқлар ўртасида дўстлик ҳамда ҳамжиҳатликни яхшилашга ёрдам бериши ҳақидаги умидингизга қўшиламан, бу дўстлик ва ҳамжиҳатликни сақлаш ва мустаҳкамлаш менинг самимий истагимдир.

Бу имкониятдан фойдаланиб шахсан Сизга сиҳат-саломатлик ва омонлик тилаб ҳамда совет халқларига равнақ тилаб ўзимнинг энг яхши истакларимни изҳор қиламан.

Сизнинг холис дўстингиз
Қиролича ЕЛИЗАВЕТА

1956 йил 7 май.

ВЛКСМ Марказий Комитетида кенгаш

21 майда ВЛКСМ Марказий Комитетида комсомол область комитетлари, ўлка комитетлари ва иттифоқчи республикалар ЛКСМ Марказий Комитетлари иккинчи секретарларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг ёшлардан энг яхши ўртоқларни мамлакатнинг шарқидаги ва шимолидаги районларга ҳамда Донбассга юбориш тўғрисида ёшларга қарата чиқарган мурожаати муносабати билан комсомол ташкилотларининг вазифаларига бағишланган эди.

Кенгашда ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари А. Н. Шелепин доклад қилди.

Кенгашда бир қанча министрликларнинг, идораларнинг ва ВЦСПСнинг раҳбар ходимлари қатнашдилар. (ТАСС).

1956 ЙИЛ ДАВЛАТ ПЛАНИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРАЙЛИК

Тошкент шаҳар саноат ва транспорт ходимларининг 1956 йил учун олган СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Тошкент шаҳар меҳнаткашлари КПСС XX съездининг тарихий қарорларидан илҳомланиб, саноатни янада қудратли равишда ривожлантириш, техникани янада тараққий этдириш ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхшилаш учун курашни активлаштирмоқдалар.

Шаҳар корхоналарининг коллективлари партия XX съезди қарорларини бажариш учун курашиб янги техника ва илғор технологияни янада кенгроқ жорий қилиш, асбоб-ускуналардан яхшироқ фойдаланиш, ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш ва автоматлаштириш, новаторлар ва илғор корхоналар тажрибасини кенг ёйиш чораларини кўрмоқдалар.

Биз, шаҳар саноат корхоналари ва транспортининг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари, олтинчи беш йилликнинг биринчи йили — 1956 йил планини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақага қўшилиб, ички резервларни қидириб топиб ва улардан самарали фойдаланиб, 1956 йил ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини 17 декабргача бажариш ва пландан ташқари 233 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлигини пландагидан 4 процент ошириш, маҳсулот таннархини 1955 йилги даражадан 5 процент камайтириш мажбуриятини оламиз.

Шу жумладан:

Куйбишев райони бўйича йиллик планни 23 декабргача бажариш ва пландан ташқари 33 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш;

Фрунзе райони бўйича йиллик планни 15 декабргача бажариш ва пландан ташқари 50 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш;

Ленин райони бўйича йиллик планни 10 декабргача бажариш ва пландан ташқари 35 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш;

Октябрь райони бўйича йиллик планни 5 декабргача бажариш ва пландан ташқари 20 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш;

Сталин райони бўйича йиллик планни 15 декабргача бажариш ва пландан ташқари 30 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш;

Марказий район бўйича йиллик планни 17 декабргача бажариш ва пландан ташқари 15 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш;

Киров райони бўйича йиллик планни 20 декабргача бажариш ва пландан ташқари 25 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш;

Москва райони бўйича йиллик планни 20 декабргача бажариш ва пландан ташқари 25 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мажбурияти олинди.

Шаҳар корхоналари қуйидаги мажбуриятларни қабул қилдилар:

«ТАШСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИ БУЙИЧА

1956 йил планини 25 декабргача бажариш. Ишлаб чиқаришга агрегат ва махсус асбоб-ускуналарни жорий қилиш, янги техника ва технологияни бундан буён ҳам кенгроқ жорий қилиш ҳисобига, «СХС-1,2» пахта териш машинасини тайёрлашга сарфланадиган меҳнат ҳажмини 25 процент камайтириш. 1956 йилда 500 тонна қуйилма берадиган қобиқли формаларга қуйиш участкасини ташкил қилиш. Пландан ташқари 300 квадрат метрли уй-жой майдонини ҳамда 1 июльгача 440 ўринли ўрта мактаб биносини фойдаланишга топшириш.

«ТОШКЕНТКАБЕЛЬ» ЗАВОДИ БУЙИЧА

Ялпи ва ассортимент бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик топшириғини 23 декабргача бажариш ва пландан ташқари 10 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлигини планда белгиланганидан 1 процент ошириш, маҳсулот таннархини 1 миллион сўмлик камайтириш.

Кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни 1955 йилдагига нисбатан 3 баравар ошириш, 5 та тўхтовсиз вулканизация агрегатини ишга тушириш. Юк ортиш ишларининг 90 процентини ва юк тушириш ишларининг 60 процентини механизациялаш. Шнурлар ва симлар цехида ярим поток линиясини ишга тушириш. 600 квадрат метр уй-жой майдонини, 110 ўринли болалар яслисини, завод клуби ва стадионини фойдаланишга топшириш.

ЭКСКАВАТОР ЗАВОДИ БУЙИЧА

Йиллик планни 21 декабргача бажариш. Меҳнат унумдорлигини пландагидан 2,3 процент ошириш ва маҳсулот таннархини пландагидан 0,5 процент камайтириш. Экскаваторларни поток усулида йиғишни ташкил этиш. Йилнинг биринчи ярмида темирчилик ишлаб чиқаришида 30 та универсал-наладка штампларини ишга туширш, 5 тоннали эритиш электр печини фойдаланишга топшириш. Камида 250 рационализаторлик таклифини ишлаб чиқаришга жорий қилиш ҳисобига бир йилда 350 минг сўм маблағ тежаш. Камида 1900 квадрат метр уй-жой майдонини фойдаланишга топшириш. 1000 та кўчат ўтказиш ва 89-, 1- ва 101- уйлар ёнида болалар учун ўйин майдончаси ташкил этиш.

КАГАНОВИЧ НОМЛИ ПАРОВОЗ-ВАГОН РЕМОНТ ЗАВОДИ БУЙИЧА

Йиллик планни 20 декабргача бажариш ва пландан ташқари 2 миллион сўмлик маҳсулот етказиб бериш. Меҳнат унумдорлигини пландагидан 1 процент ошириш. 250 рационализаторлик таклифини ишлаб чиқаришга жорий қилиб, 1,1 миллион сўм маблағ тежаш. Камида 2 мингта техника жиҳатдан асосланган нормаларни жорий қилиш. 60 та янги технология мосламалари тайёрлаш ва жорий қилиш. Илғор иш методларини кенг ўрганиш, умумлаштириш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш. 1400 квадрат метр уй-жой майдонини ҳамда 110 ўринли болалар яслисини фойдаланишга топшириш.

«ЎЗБЕКСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИ БУЙИЧА

Ялпи маҳсулот ва асосий номенклатура бўйича йиллик планни 20 декабргача бажариш. Меҳнат унумдорлигини топшириқлагига нисбатан 1 процент ошириш ва маҳсулот таннархини белгиланган планга нисбатан 2 процент камайтириш.

Ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатини яхшилаш ва брақдан кўриладиган зарарни 1955 йилдагига нисбатан 25 процент камайтириш. Рационализаторлик таклифларини жорий қилиш йўли билан 2 миллион сўмга яқин шартли маблағ тежаш.

Камида 780 ишчи, инженер, техник ва хизматчининг ихтисосини ошириш. 200 тонна ёқилғи ва 500 минг киловатт-соат электр энергиясини тежаш. Металлни механик ишлаш учун иккита группа линиясини, йиғиш цехида металларни транспортировка қилиш учун осма конвейерни, қуюв цехида горизонтал айланма конвейерни ишлаб чиқаришга жорий қилиш. 2000 квадрат метр уй-жой майдонини фойдаланишга топшириш.

КАРБОРУНД ЗАВОДИ БУЙИЧА

Йиллик планни 20 декабргача бажариш ва пландан ташқари 900 минг сўмлик маҳсулот етказиб бериш. Меҳнат унумдорлигини планда белгиланганидан 0,5 процент ошириш. Шихтани брикетлашни ўзлаштириш.

«ТАШТЕКСТИЛЬМАШ» ЗАВОДИ БУЙИЧА

Йиллик программани 25 декабргача бажариш ва пландан ташқари 1,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш. Меҳнат унумдорлигини топшириқдагига нисбатан 1,2 процент ошириш, 10 хил янги маркали машиналарни кўплаб ишлаб чиқаришни ўзлаштириш. Деталларни тайёрлашда янги прогрессив технология процессларини жорий қилиш. Қобиқли формаларга қуйишни, пласт-массалардан деталлар тайёрлашни ўзлаштириш. 250 минг киловатт соат электр энергиясини ва 40 тонна металлни тежаш.

ЭЛЕКТРОЛАМПА ЗАВОДИ БУЙИЧА

Ялпи маҳсулот ва асосий номенклатура бўйича йиллик планни 25 декабргача бажариш. Меҳнат унумдорлигини ошириш планнини 1 процент ортиғи билан бажариш ва маҳсулот таннархини пландагидан 0,5 процент камайтириш. Рационализаторлик таклифларини жорий қилиш йўли билан 300 минг сўм маблағ тежаш.

РЕМОНТ-ПОДШИПНИК ЗАВОДИ БУЙИЧА

Ишлаб чиқариш планини 5 декабргача адо этиш ва пландан ташқари 450 минг сўмлик маҳсулот етказиб бериш. Маҳсулот таннархини 1955 йилга нисбатан 8,7 процент камайтириш. 10 тонна легланган пўлатни тежаш.

ИЛЬИЧ НОМЛИ ЗАВОД БУЙИЧА

Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик планини 20 декабргача бажариш ва пландан ташқари 700 минг сўмлик маҳсулот етказиб бериш. 1955 йилга нисбатан меҳнат унумдорлигини 5 процент ошириш ва маҳсулот таннархини ўтган йилга нисбатан камида 10 процент камайтириш.

ТУҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ БУЙИЧА

1956 йил планини муддатидан илгари бажариш ва 10 миллион сўмлик маҳсулот, шу жумладан 1 миллион метр сурп, 1,5 миллион метр тайёр газлама, 2 миллион дона галтак-ип ва 1,5 миллион дона калаваланган мулине ипи тайёрлаб бериш. Меҳнат унумдорлигини 3,5 процент ошириш ва маҳсулот таннархини 1,5 миллион сўмлик миқдорда камайтириш. 200 та 5Т типидаги станоклар ўрнига ЛТ-10 типидаги станокларни ўрнатиш ва 200 та йигирув машиналарида махсус мосламалар ўрнатиш. Биринчи тўқув фабрикасида диспетчерлик хизматини жорий қилиш.

БИРИНЧИ ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИ БУЙИЧА

Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича йиллик планни 22 декабргача бажариш ва пландан ташқари 6 миллион сўмлик пойафзал етказиб бериш, 20 хил янги моделни пойафзал ишлаб чиқаришни ўзлаштириш. Меҳнат унумдорлигини пландагидан 0,5 процент ошириш.

ШАҲАР МАҲАЛЛИЙ САНОАТ КОРХОНАЛАРИ БУЙИЧА

Ялпи ва товар маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича 1956 йил планини 25 декабргача бажариш. Меҳнат унумдорлигини планда белгиланганидан 1 процент ошириш ва маҳсулот таннархини пландагидан 0,5 процент камайтириш. Камида 20 хил янги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш. Ишлаб чиқаришга камида 50 та ташкилий-техникавий тадбирларни жорий қилиш. Капитал ишлар йиллик планини 20 декабргача бажариш.

ГОРПРОМСОВЕТ КОРХОНАЛАРИ БУЙИЧА

Ялпи ва товар маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича 1956 йил планини 25 декабргача бажариш. Меҳнат унумдорлигини планда белгиланганидан 1 процент ошириш ва маҳсулот таннархини пландагидан 0,5 процент камайтириш. Камида 20 хил янги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш. Ишлаб чиқаришга камида 50 та ташкилий-техникавий тадбирларни жорий қилиш. Капитал ишлар йиллик планини 20 декабргача бажариш.

ТЕМИР ЙЎЛ ТОШКЕНТ БЎЛИМИ БУЙИЧА

Юк ортиш ва юк тушириш йиллик планини муддатидан илгари бажариш. Юк оборoти планини 64 миллион тонна-километр миқдорида ошириб бажариш. Вагонлар оборотини 2 процент тезлаштириш ва транзит вагонларнинг тўхтаб туриш муддатини 3 процент камайтириш. Оғир юкли поездларда пландан ташқари камида 1 миллион тонна юкни ташиб бериш. Тепловоз ва паровозларга сарфланадиган ёқилғи ва ёнилғини 2,5 процент тежаш. Юкни зич ортиш ҳисобига 6 минг юк вагонларини бошқа юклар учун бўшатиб бериш. Вокзал ва поездларда пассажирларга хизмат кўрсатишни яхшилаш.

* * *

Шаҳар саноат корхоналари ва транспорти ходимларининг социалистик мажбуриятини муҳокама қилиб ва қабул қилиб, биз завод ва фабрикаларнинг барча ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчиларга олтинчи беш йилликнинг биринчи йили — 1956 йил планини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб юборишга чақирамиз.

Биз пахтакорларнинг 1956 йилда мамлакатга камида 3 миллион тонна пахта етказиб бериш юзасидан олган мажбуриятларини бажаришга актив ёрдам берамиз.

Биз ўз зиммамизга олган социалистик мажбуриятларни ва КПСС XX съезднинг олтинчи беш йиллик юзасидан Директиваларида саноат ва транспорт ходимлари олдига қўйилган вазифаларни шараф билан бажариш учун бутун куч-гайратимизни сарфлаймиз.

Социалистик мажбурият саноат корхоналари ва транспорт ходимларининг 1956 йил 10 майда бўлган шаҳар йиғилишида муҳокама қилиниб, қабул этилган.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Тошкент областидаги МТС тракторчиларини Узбекистон ССР Олий Советининг Фахрий Ёрлиқлари билан мукофотлаш тўғрисида

Ғўзани икки томонлама муваффақиятли культивация қилганликлари учун қуйидагилар Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий Ёрлиқлари билан мукофотлансинлар:

Абдусолихов Хайдарқул — Ўртасарой 1-МТС тракторчиси.

Атиқуллаев Неъматулла — Мирзачўл 2-МТС тракторчиси.

Алимов Қўчқор — Янгийўл 1-МТС тракторчиси.

Баиров Алмат — Ўрта Чирчиқ 1-МТС тракторчиси.

Бозорбоев Шерқўзи — Мирзачўл 2-МТС тракторчиси.

Донийёров Эргаш — Янгийўл 2-МТС тракторчиси.

Ерманбоев Чаканбой — Янгийўл 2-МТС тракторчиси.

Загиров Абдували — Ўрта Чирчиқ 2-МТС тракторчиси.

Исоқжонов Султон — Янгийўл 2-МТС тракторчиси.

Калимбетов Шиликбой — Чиноз МТС тракторчиси.

Ким Тхя-Сон — Ўрта Чирчиқ 2-МТС тракторчиси.

Курганский Павел Денисович — Мирзачўл 1-МТС тракторчиси.

Колбасов Михаил Григорьевич — Мирзачўл 1-МТС тракторчиси.

Кенжабоев Мингали — Ўрта Чирчиқ 1-МТС тракторчиси.

Муртозов Розиқ — Чиноз МТС тракторчиси.

Пардаев Самат — Ўртасарой МТС тракторчиси.

Рагимов Вагит — Ўрта Чирчиқ 2-МТС тракторчиси.

Райимқулов Аҳмад — Мирзачўл 1-МТС тракторчиси.

Раҳимов Йўлчи — Мирзачўл 2-МТС тракторчиси.

Серов Филипп Антонович — Мирзачўл 1-МТС тракторчиси.

Сеитхалилов Жаъфар — Мирзачўл 2-МТС тракторчиси.

Тўйчиев Зокир — Янгийўл 2-МТС тракторчиси.

Утамов Худойберди — Чиноз МТС тракторчиси.

Ҳамроев Ҳасан — Ўртасарой 1-МТС тракторчиси.

Ҳасанов Сайдаҳмат — Ўртасарой 1-МТС тракторчиси.

Холматов Тошпўлат — Ўрта Чирчиқ 1-МТС тракторчиси.

Хайдаров Йўлдош — Мирзачўл 1-МТС тракторчиси.

Ҳатамов Эрназар — Мирзачўл 1-МТС тракторчиси.

Шуров Николай Иванович — Ўрта Чирчиқ 1-МТС тракторчиси.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. РАШИДОВ.
Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Ж. ИЛҲОМОВА.

1956 йил 22 май.
Тошкент.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Съезд материалларини қунт билан пропаганда қилайлик

Совет кишиларининг социалистик онглилиги ва маданий даражаси ошган сари Ватанимизнинг куч ва қудрати тобора кўпроқ мустаҳкамланади, коммунистик жамият галабаси сари олга қараб силжишимиз тезлашади. Шу муносабат билан идеология ишлари савиясини юқори босқичга кўтариш, коммунистларнинг, партиясиз активларнинг сиёсий ўқишига раҳбарлик қилишни яхшилаш масаласи тобора актуаллашади, партия ташкилотларининг бу соҳадаги масъулияти янада ошади.

Шаҳар партия ташкилоти коммунистларни, партиясиз активларни марксизм-ленинизм назарияси билан қуроллантиришга доимо катта эътибор бериб келмоқда. Айниқса партия маорифи шохобчаларида КПСС XX съезди материалларини ўрганиш бошлангандан кейин бу масалага эътибор янада кучайтирилди.

Ҳозир шаҳар корхоналарида, қурилиш ташкилотларида ва муассасаларда уч юздан ортиқ тўгаракда КПСС XX съезди материалларини ўрганиш қизғин давом этмоқда. Корхоналарнинг айрим участкаларида, қурилишларда ва муассасаларда съезд материалларини ўрганиш юзасидан ўнлаб янги тўгараклар ташкил этилди. Деярли барча тўгараклларда машғулотларни тажрибали, сиёсий тайёргарлиги етарли бўлган пропагандистлар олиб бормоқдалар. Шу нарса характерлики, кўпчилик тўгараклларда съезд материаллари республика ва шаҳар ҳаёти билан маҳкам боғланган ҳолда ўрганилаётир. Бу эса машғулотларнинг жонли ва қизиқарли ўтишини таъминламоқда, тингловчиларнинг активлигини оширмоқда. Улар машғулот давомида уларни ишлаётган участкаларидаги ишнинг аҳволини чуқур анализ қилмоқдалар, ишдаги камчиликларни очиб ташламоқдалар ва бу камчиликларни бартараф қилиш, олтинчи беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан конкрет тадбирлар белгиламоқдалар.

Кўмир ҳавзасининг асосий объектларидан бири ҳисобланган 9- шахтада КПСС XX съезди материалларини ўрганиш юзасидан бир неча тўгарак ташкил қилинган. Пропагандистлардан Шахницкий, Мурзин, Давидович, Ортиқов ўртоқлар раҳбарлик қилаётган тўгараклларда машғулотлар, айниқса яхши ўтмоқда. Пропагандистлар кончиларга олтинчи беш йилликда мамлакатимиз халқ хўжалиги тараққиётининг истиқболлари ҳақида гапирар эканлар, кўмир саноати ходимларининг роли ва шу муносабат билан Оҳангарон кончилари ва барча меҳнаткашларининг вазифаларига катта аҳамият берадилар. Улар Оҳангарон кўмир ҳавзаси мисолида мамлакатимиз оғир саноати тўхтовсиз юксалаётгани, кўмир қазиб чиқариш йилдан-йилга кўпаяётгани, шахтёрларнинг моддий ва маданий турмуш даражаси тинмай юксалаётганини ишонарли мисоллар асосида кўрсатиб берадилар.

Шахта партия ташкилоти (секретари ўртоқ Х. Қодиралиев) коммунист ва партиясиз активларнинг сиёсий билимини оширишни яхши йўлга қўйиш билан бирга, коллектив ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш, уларни юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ҳам доимо катта эътибор бермоқда. Партия ташкилоти сиёсий агитациянинг корхона ҳаёти билан боғланган бўлиши, коллектив олдида турган вазифаларни тўла акс эттириши, ҳар бир ишчи, хизматчи ва инженер-техник ходими янги меҳнат зафарлари сари илҳомлантиришини таъминлаш учун ҳаракат қилади. агитаторларни тарбиялаш, уларнинг ишчанлигини ва маҳоратини ошириш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилади.

Партия ташкилоти кейинги вақтда Братерский, Сморигина, Хон, Гуревич, Русин ўртоқлар каби ўнлаб моҳир агитаторларни тарбиялаб етиштирди. Бу ўртоқларнинг ишидаги ижобий томон шундаки, уларнинг ҳар бири бевосита ишлаб чиқаришда банд бўлиб, ўзи биркитиб қўйилган участкадаги ишнинг аҳволи билан ҳаммадан кўра яхшироқ танишиб боради. Улар ўз суҳбатларига ҳар доим шахта, айрим участкалар ҳаётига таллуқли конкрет фактларни асос қилиб оладилар, ўз тингловчиларида қизиқиш уйғотишга, уларни хўжалик вазифаларини, КПСС XX съезди қарорларини амалга ошириш учун курашга сафарбар этишга ҳаракат қиладилар.

— Давлатимиз, — дейди ўз суҳбатининг бирида ўртоқ Гуревич, — олтинчи беш йиллик давомида шаҳримизда саноат ва маданий қурилишни амалга ошириш учун бир миллиард сўмдан кўпроқ маблағ ажратди. Оҳангарон беш йилликнинг охирига бориб республикамизнинг маданияти юксалган йирик саноат шаҳрига айланади. Шаҳримизда янги корхоналар, маданий-маиший муассасалар, ишчи ва хизматчилар учун кўплаб уй-жой бинолари қурилади. Кўмир қазиб чиқариш бирмунча кўпаяди. Бу вазифаларнинг муваффақиятли амалга оширидиши ҳар биримизнинг қанчалик ғайрат билан ишлашимизга боғлиқдир.

Агитаторлар ўз суҳбатларида Совет Иттифоқи, улуғ Хитой ва халқ демократияси мамлакатларининг кучи ва бирлиги тобора юксалиб мустаҳкамланаётгани, совет халқининг тинчлик учун кураш ишига қўшаётган ҳиссаси, Совет Иттифоқининг Ҳиндистон, Бирма, Афғонистон ва бошқа тинчликсевар мамлакатлар билан алоқаси мустаҳкамланаётгани ҳамда бошқа актуал масалаларга ҳам катта урин берадилар.

Шахтада съезд материалларини кўргазмали агитация ва бошқа йўллар билан пропаганда қилишга ҳам катта эътибор берилади. Ҳар бир участкада шу участка коллективи томонидан олинган конкрет мажбуриятларни кўрсатувчи плакатлар ва уларни бажариш учун курашга чақирувчи шиорлар, социалистик мусобақа натижаларини ҳамда ишлаб чиқариш илғорларига бағишланган кўрсаткич тахталар бор.

Шахтада мунтазам равишда «За уголь» ва «Колючка» деворий газеталари чиқиб туради. Уларда ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларнинг тажрибаси кенг оммалаштирилади. давлат ва меҳнат интизомини бузувчилар, бракка йўл қўювчилар, смена нормаларини бажармовчилар қаттиқ танқид қилинади.

Шахта кутубхонаси кончиларнинг чинакам маданий дам олиш ўчоғига айлантирилган. У жуда яхшилаб жиҳозланган, КПСС XX съезди материалларига бағишланган фото витриналар, стендлар ташкил қилинган. Бу ерда шахтёрлар бўш вақтларида яхши дам оладилар, улар учун лекция ва доклатлар уюштирилади.

Оммавий-сиёсий ва маданий-оқартув ишларининг бутун эътибори бир мақсадга — коллективни хўжалик вазифаларини муваффақиятли бажариш учун курашга кенг сафарбар этиш, унинг ижодий ташаббусини тинмай ошириш йўли билан олтинчи беш йилликнинг биринчи йили — 1956 йил планининг ошириб бажарилишини таъминлашга қаратилган. Бу соҳада яхши натижаларга эришилмоқда. Бешинчи беш йиллик ва 1955 йил планини муддатидан олдин бажариб, съезд шарафига пландан ташқари бир неча юз тонна ёқилғи берган кончилар съезд қарорларига жавобан фидокорона меҳнат қилиб, ишлаб чиқариш программасини ой сайин ошириб бажараётирлар, меҳнат унумдорлигини тўхтовсиз ошириб, маҳсулот таннархини камайтириш ва унинг сифатини яхшилашга янгидан-янги ютуқларга эришмоқдалар. Оҳангарон кўмирчилари 1956 йилнинг тўрт ойлик программасини муддатидан олдин бажариб, мамлакатга пландан ташқари 8 минг тоннага яқин кўмир етказиб бердилар.

Шунингдек, кўмир разрези, темир йўл станцияси, цемент заводи, шаҳар партия комитети партия ташкилотлари ҳам КПСС XX съезди материалларини ўрганишни кўнгилдагидек ташкил этганлар.

Цемент заводи яқингача шаҳардаги қолоқ корхоналардан бири ҳисобланар эди. Завод партия ташкилоти (секретари ўртоқ Огаркова) коллектив ўртасида съезд материалларини пропаганда қилиш, оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш йўли билан ишлаб чиқаришни юксалтириш учун курашга коллективни кенг сафарбар ета олди. Натижада заводда шу йилнинг бошидан буён давлат планлари ортиғи билан бажариб келинмоқда.

Коммунистлар ҳамма жойда ҳам социалистик мусобақанинг чинакам ташаббускорлари ролини ўйнамоқдалар. Улар оммаларнинг ватанпарварлик ҳаракатига бошчилик қилиб, уни олтинчи беш йиллик ва 1956 йил планларини муддатидан олдин бажариш учун курашга кенг сафарбар этишда партия ташкилотларига яқиндан ёрдам бермоқдалар. 9- шахтанинг донгдор новаторлари Братерский, Пискорский, кўмир разрезининг илғор ишчилари Алиқулов, Кожевников, Галяндина ва бошқа кўпгина ўртоқлар шулар жумласиндир.

Лекин КПСС XX съезди қарорларини пропаганда қилиш, уни чуқур ўрганиш, оммавий-сиёсий ишларни ташкил этиш шаҳардаги ҳамма корхоналарда ҳам бирдек яхши ташкил қилинган, деб бўлмайди. Айрим корхоналарнинг бошланғич партия ташкилотлари бу муҳим сиёсий ишга ҳамон етарли эътибор бермаётирлар. Бунга мисол қилиб брикет фабрикаси ва Оҳангарон қурилиш бошқармаси. партия ташкилотларини кўрсатиш мумкин. Бу ташкилотлар ҳузурида КПСС XX съезди материалларини ўрганиш юзасидан ташкил қилинган тўгараклларда ўртоқ Хрушчев ва ўртоқ Булганиннинг съездда қилган докладларини ўқиб бериш билан чегараланилмоқда. Ўз-ўзидан маълумки, бундай машғулотлар тингловчиларда ҳеч қандай қизиқиш ҳосил қилмайди, уларнинг активлигини оширмайди, уларни ишлаги камчиликларни очиб ташлаш ва уни бартараф қилиш йўлларини белгилаш имкониятидан маҳрум этади.

Брикет фабрикасида ҳам, қурилиш бошқармасида ҳам ишлаб чиқариш планлари ой сайин бажарилмай қолаётир. Қурилиш бошқармасида шу йилнинг биринчи кварталы плани атиги 69,1 процент бажарилди. Тўгараклларнинг раҳбарлари ва қатнашчилари бундан хабардормилар? Хабардорлар. Лекин машғулот давомида бу ачинарли аҳвол эътиборсиз четда қолаётир, унинг сабаблари очиб ташланмаётир, юз берган аҳволни тузатиш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланмаётир.

Шаҳар партия ташкилоти олдида шу кунларда турган асосий вазифа эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш, ишлаги камчиликларга қатъий барҳам бериш ва ҳамма партия ташкилотларида партия пропагандаси ва сиёсий агитациянинг савиясини ҳар тарафлама яхшилашни, унинг ҳаёт билан маҳкам боғланган, маълум мақсадга йўналтирилган бўлишини таъминлашдан иборатдир. Шундагина коммунистларни, барча меҳнаткашларни КПСС XX съезди қарорларини амалга ошириш, олтинчи беш йиллик ва 1956 йил планларини муддатидан олдин бажариш учун курашга кенг сафарбар этиш ва самарали натижаларга эришиш мумкин. Шубҳа йўқки, шаҳар партия ташкилоти бунга эришади.

Г. САКТАГАНОВ,
Оҳангарон шаҳар партия комитети агитация ва пропаганда бўлими мудирининг ўринбосари.

ОБЛАСТИМИЗДА

КОЛХОЗДА ВОДОПРОВОД

Оржоникидзе районидаги Киров номли колхозда водопровод қурилиши ишлари бошланди. Сув тиниладиган ҳовуз ва насос станцияси қурилиб битказилди. Чуқурлар қазилиб, трубалар ётқизилмоқда. Водопровод қишлоқнинг марказида яшовчи колхозчиларни сув билан тўла таъминлайди. 1957 йилда колхознинг яна 2 участкасига водопровод тармоғи олиб борилади.

МАИШИЙ КОМБИНАТ

Қора сув районидаги «Промкооператор» артели правлениеси аҳолига янада яхшироқ хизмат қилиш тадбирларини кўрмоқда. Артелда шифер ишлайдиган янги цех ташкил қилинди.

Артель Қўйлиқда янги маиший комбинат қуришни планлаштирди. Комбинатда кийим-кечак, пойафзал тикилади, сартарошлик, уй-рўзғор асбоблари ремонт қиладиган бўлимлар ташкил қилинади. Бундан ташқари янги ошхона очилади. Комбинатни қуриш учун 150 минг сўмлик маблағ ажратилган.

КАМ ҚУВВАТ КОЛХОЗГА АМАЛИЙ ЁРДАМ

Юқори Чирчиқ районидаги Қизил байроқли Сталин номли колхоз правлениеси Жданов номли кам қувват колхозни оталикка олди. Колхоз правлениеси Жданов номли колхозга электр двигатель, 30 хўжалик уйига радио точкалари қуриб беради, шунингдек стол, шкаф ва бошқа асбоблар билан ёрдам кўрсатади.

ШОФЕРЛАР ТАЙЁРЛАШ КУРСЛАРИ

ДОСААФнинг Тошкент район ташкилоти хизматчи ёшлардан шоферлар тайёрлашни ташкил қилди. Қуйбишев номли колхозда очилган 3 ойлик курсда 33 киши ўқиб, янги касбни эгаллади. Ҳозир Сталин номли колхозда ҳам 3 ойлик курс очилди. Курсда 30 киши ўқимоқда.

ЯНГИ ЦЕХЛАР

Калинин район саноат комбинати дирекцияси аҳолининг ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини кўпроқ қондириш мақсадида 2 та янги цех ташкил қилди. Янги цехларда трикотаж, сунъий қоракўл, дастурхон, турли одеяллар, ҳар хил рангдаги клеёнкалар ишлаб чиқарилади. Цехлар Ватанимиздаги заводларда тайёрланган машиналар билан етарли миқдорда таъминланган. Цехлар дастлабки маҳсулотларни ишлаб чиқара бошлади.

Комбинат қарамоғидаги гишт заводи ҳам кенгайтирилиб, тўла механизациялаштирилди. Завод эндиликда аввалги йилларга нисбатан икки баравар кўп маҳсулот ишлаб чиқаради.

Ш. КУЗАНБОЕВ.

5 тонна металл йиғилди

ВЛКСМ Марказий Комитетининг барча комсомол ва пионерларга қарата макулатура ва темир-терсак йиғиш тўғрисида чиқарган қаророидан руҳланган Мирзачўл шаҳридаги Куйбишев номли 1-ўрта мактаб ўқувчилари ғайрат қилиб 5 тонна темир-терсак йиғиб қўйдилар. Шунингдек 450 килограмм макулатура йиғилди. Макулатура ва металл йиғишда мактабнинг Ўзайдулла Қўшоқов раҳбарлик қилаётган IV «а» синф ўқувчилари ҳам бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Шу синф ўқувчиларидан Аюб Фозилов, Равшан Тоғаев, Ўнгар Тоғаев ва Вазира Баҳромовалар 40-45 килограммдан макулатура ва темир-терсак йиғиб бердилар. Шунингдек райондаги Молотов номли, Ҳамза Ҳакимзода номли мактаб ўқувчилари ҳам макулатура ва металл йиғиш ишларини намунали ўтказмоқдалар.

М. АБДУРАИМОВ.



Суратда: Бўстонлиқ районидаги Молотов номли 6- мактаб ўқувчилари география фанидан ўтилган дарсларни қайтармоқдалар.

Г. Кацаринис фотоси.

Ёзги имтиҳон сессияларини муваффақиятли якунлаш учун

Олий ўқув юртлари студентларининг ҳаётида энг муҳим ва масъулиятли давр ҳисобланган ёзги имтиҳон сессиялари яқинлашиб қолди. Сессиялар якунида юқори кўрсаткичларга эришиш олдиндан пухта ҳозирлик кўрилишига боғлиқдир. Буни яхши тушунган Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг студентлари бўлажак имтиҳонларга тайёргарликни қизитиб юбордилар.

Институт дирекцияси, партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари студентлар учун барча зарур шароитларни яратиб бермоқдалар. Студентларнинг мустақил дарс тайёрлашлари учун қулайлик туғдириш мақсадида фан кабинетлари, ўқиш залларни ва кафедраларнинг иш соатлари узайтирилди, махсус аудиториялар ажратилди. Барча факультетларда сессиялар ва консультациялар жадвали тузилиб, кўзга кўринарлик ерга осиб қўйилган. Консультациялар ва обзор лекциялар жадвалда кўрсатилган вақтларда ўтказилиб турилмоқда. Ўқитувчилардан З. Нуриддинов, Ҳ. Иноятов, Ҳ. Бекмуҳамедов, Ҳ. Тўраев ўртоқлар коллектив ва индивидуал консультациялар ўтказиб, студентларнинг имтиҳонларга пухта тайёрланишларига ёрдамлашмоқдалар.

Тарих-филология факультетининг III курсида ўтилганларни такрорлаш намуналари ташкил қилинган. А. Асқаров, С. Йўлдошева, Р. Қурбонгалиева ўртоқлар коллектив бўлиб дарс тайёрлаб, улгурмовчи курсдошларига актив ёрдам бермоқдалар. Факультетда «Тарихчи-филолог» ва «Жайра» деворий газеталарининг сессияга тайёргарликка бағишланган махсус сонлари чиқарилди.

Р. ОТАҚУЛОВ.

Бизга ёзадилар

ОКТЯБРЬ район, Эски Тошкент посёлкасида яқинда ташкил этилган район кутубхонаси китобхонларинг севимли жойига айланиб қолди. Кутубхона колхозчилар, МТС механизаторлари ва мактаб ўқувчиларидан иборат 400 га яқин доимий китобхонга намунали маданий хизмат кўрсатмоқда. Яқинда кутубхонага қўшимча равишда 1400 сўмлик турли янги адабиётлар сотиб олинди. «Пахта» МТСи ва Сталин номли колхозларда ташкил қилинган кўчма кутубхоналар ҳам китобхонларга яхши маданий хизмат кўрсатмоқда.

Д. СОДИҚОВ.

* * *

МИРЗАЧЎЛ шаҳридаги механизаторлар мактаби қозоғистон республикаси ва Тошкент области учун ҳар йили кўплаб механизатор кадрлар етказиб бермоқда. Яқинда мактабнинг кенг профилли тракторчилар тайёрлаш курсини 60 йигит-қиз тамомлаб чиқди. Н. Ниёзов, З. Умиров, Я. Эсонбоев ўртоқлар мактабни тамомлаш имтиҳонларидан юқори баҳолар билан ўтиб, тракторчилик касбини пухта эгаллаганликларини намойиш қилдилар. Курсни тамомлагандар Гулистон, Сирдарё, Боёвут районлари ва бошқа жойларга ишлаш учун жўнаб кетдилар.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ.

* * *

ВЕРХНЕ ВОЛИНСК районидаги 2-ўрта мактаб ўқувчилари ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ўрганмоқдалар. Ўқувчилар Карл Маркс номли колхоз правлениеси ажратиб берган 10 гектар ернинг 7 гектарига квадрат-уялаб мактажўхори экдилар. Мактажўхори тез кунда бир текис униб чиқди. Мактаб ўқувчилари колхоз чорваси учун мазкур ернинг ҳар гектаридан 50 центнердан ем ва бир қанча силосбоп поя етказиб беришга аҳд қилдилар. Шу кунларда мактабдаги ўғил-қизлар катта майдондаги мактажўхорини меҳр билан парвариш қилмоқдалар.

К. ҚУРБОНБОЕВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Кутубхона қачон бино билан таъминланади?“

Газетамизнинг шу йил 6 май сонида, юқоридаги сарлавҳа остида материал босилиб, унда Ховос район Хўжамушкент қишлоқ Совети ҳузуридаги кутубхонанинг ёмон аҳволга тушиб қолгани, ўйнинг торлигидан китоб, газета ва журналларни қўядиган жой топилмаслиги, китобхонларга маданий хизмат кўрсатиш учун ҳеч қандай шароит бўлмагани ва бошқа жиддий камчиликлар танқид қилинган эди.

Меҳнаткашлар депутатлари Ховос район Совети ижроия комитетининг раиси ўртоқ Қодировнинг редакциямизга ҳабар қилишича, текширишда газетада кўрсатилган фактлар тўла тасдиқланган. Хўжамушкент қишлоқ Советини бошқа бинога кўчириб, унинг ўрнига кутубхона жойлаштирилган. Кутубхонани жиҳозлаш ва зарур ускуналар олиб бериш учун тегишли тадбирлар кўрилган.

ОЛТИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКДА ТЕХНИКА ПРОГРЕССИ

Олтинчи беш йилликда темир йўл локомотивлари

КПСС XX съездининг тарихий қарорларида мамлакат халқ хўжалигининг барча тармоқларини янада зўр бериб юксалтиришнинг гоят катта программаси белгилаб берилган. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати томонидан совет кишилари олдига қўйилаётган улуғвор вазифаларни муваффақият билан амалга оширишда темир йўл транспорти гоят катта роль ўйнайди.

Совет Иттифоқининг темир йўл транспорти бешинчи беш йиллик мобайнида анчагина ривожланди. 1955 йилда мамлакат темир йўлининг юк обороти 1950 йилдагига нисбатан 60 процент ортди. Бироқ партия XX съездида кўрсатиб ўтилганидек, темир йўл транспорти халқ хўжалигининг бошқа соҳаларига нисбатан техника жиҳатидан анча орқада қолди. Кам ишлаб чиқарилаётган паровозлар темир йўл транспортида асосий тортув воситалари бўлиб қолмоқда. Маълумки, бутун мамлакатда қазиб чиқарилаётган кўмирнинг тахминан учдан бир қисми паровозларга сарфланади. Бироқ паровозларнинг фойдали ҳаракат коэффициенти бор-йўғи 4-5 процентни ташкил этади.

Халқ хўжалигини янада ривожлантириш манфаатлари темир йўл транспортини техника жиҳатдан қайта ускуналашни, анча фойдали ва тежамли тортув локомотивларини кенг қўлланишни қаттиқ талаб қилмоқда. Шу сабабли ҳам СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1956-1960 йилларга мўлжалланган олтинчи беш йиллик плани юзасидан КПСС XX съезди Директиваларида: «Темир йўлларда юк ташишни кўпайтириш мақсадида электровозларни ва тепловозларни кенг жорий қилиш орқали темир йўл транспортида тортув воситаларини техника жиҳатидан реконструкция қилиш ишлари амалга оширилсин, токи 1960 йилда бутун юк оборотининг 40-45 проценти электровозлар ва тепловозлар ёрдами билан бажариладиган бўлсин», деб алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Шу вақтгача темир йўл транспортида дизель ва электр локомотивлар нисбатан камчиликни ташкил этмоқда. Масалан, 1955 йилда темир йўл транспортидаги бутун юк оборотининг фақат 14 проценти электровоз ва тепловозлар ёрдами билан бажарилди, холос.

Ўтган йилнинг охирларигача Харьков транспорт машинасозлиги заводи мамлакатда магистрал тепловозлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган ягона корхона ҳисобланар эди. Бу завод коллективи конструкторлар билан ҳамда Харьковдаги тепловозлар учун электр ускуналари ишлаб чиқарувчи завод коллективи билан ҳамкорликда 1949 йилдан бери ТЭ-2 типидаги тепловозлар ишлаб чиқармоқда. Бу тепловозларнинг Тошкент, Оренбург, Ашхабод ва бошқа йўлларидаги иш кўрсаткичлари уларнинг паровозларга нисбатан гоят даражада кучли эканликларини кўрсатди.

Темир йўл транспортида юк оборотининг муттасил ўсиб бораётганлиги тепловозсозлар олдига катта талаблар қўймоқда. Биргина Тошкент темир йўлининг ўзида урушдан кейинги йилларда юк обороти уч баравардан кўпроққа ортди. Тепловозсозлар бу талабларни қондириш соҳасида муҳим тадбирларни амалга оширмоқдалар. 1955 йилнинг охирларида Харьков заводининг коллективи илгарилари ишлаб чиқарилаётган тепловозларга нисбатан гоят устунликларга эга бўлган ТЭ-3 типидаги дизель локомотивларини серияли равишда ишлаб чиқара бошлади. ТЭ-3 тепловози 4000 от кучига эга. Унинг қуввати ТЭ-2 тепловози қувватига нисбатан 2 баравар ортиқдир. Янги локомотив баландликларга ва мураккаб профильга эга бўлган участкаларда 4000 тонна юк ортилган составларни бемалол тортаолади.

Мамлакатнинг айрим темир йўлларида тепловозларнинг жорий қилиниши юз мингларча тонна кўмирни халқ хўжалигининг бошқа эҳтиёжларига сарфлаш ва кўпгина миқдорда қўшимча юк ташиш имконини берди. Олтинчи беш йиллик мобайнида 18 минг километр масофадаги темир йўл линияси тепловоз тортув воситаларига кўчирилади. Бу тадбир мамлакатга гоят катта фойда келтиради, чунки тепловозларнинг фойдали ҳаракат коэффициенти паровозларнинг фойдали ҳаракат коэффициентига нисбатан беш баравар ортиқдир. Тепловоз паровозга нисбатан юк ташиш учун 6 баравардан ҳам камроқ ёқилғи сарфлайди. Тепловоз бирнеча минг километр масофага қўшимча равишда дизель ёқилғиси олмасдан ҳаракат қилаолади. Дизель локомотиви шу масофа учун бор-йўғи 10-12 литр сув сарфлайди. Тепловозларнинг бу хусусиятлари сувсиз районлар, жумладан Ўрта Осиё ва Қозоғистон учун жуда катта аҳамиятга эгадир.

Янги беш йилликда ҳозирги вақтда тепловоз ишлаб чиқараётган Харьков заводидан ташқари, Ворошиловград, Коломенск ва Брянск заводлари ҳам янги локомотивлар ишлаб чиқарабошлайдилар.

ТЭ-3 типидаги тепловозларни яратган конструкторлар фан ва техниканинг энг сўнгги ютуғидан усталик билан фойдаландилар. Шунинг натижасида дизель локомотивининг қуввати икки баравар оширилган бўлишига қарамай, унинг оғирлиги анча камайтирилди. Машина оғирлигининг ярмини ташкил этувчи двигателлар, электр ускуналари ҳамда ёрдамчи ускуналар эски конструкциядаги ТЭ-2 тепловозидагига нисбатан кам оғирликка эгадирлар. Янги тепловознинг ҳарбир секцияси эски машиналардагига нисбатан 44 тонна енгил. Янги машина Харьков транспорт машинасозлиги заводининг бош конструктори ўртоқ Кирпарский ва Харьковдаги тепловозлар учун электр ускуналар ишлаб чиқарувчи завод бош конструктори ўртоқ Васильев раҳбарлигида ишлаб чиқилди. Машина конструкциясини ишлаб чиқишда ҳар иккала корхонанинг технологлари, мастерлари ва ишлаб чиқариш новаторлари актив қатнашдилар. Шунингдек Тошкент, Арис, Оренбург, Кандагач тепловоз деполарининг машинистлари локомотивдаги камчиликларни кўрсатиб бердилар. Тошкент тепловоз депосининг машинистлари Сотников, Люшненко, Султонов, Митюшников ва бошқа ўртоқлар машина конструкциясини яхшилашга қаратилган қимматли фикрларни айтдилар.

Харьков транспорт машинасозлиги заводининг конструкторлари КПСС XX съезди Директиваларини бажаробориб, ҳозир 4000 от кучига эга бўлган ва соатига 140 километр тезликда йўл босадиган пассажир тепловозларининг ҳамда бошқа хил янги тепловозларнинг проектларини тузмоқдалар.

Партия ва ҳукумат мавжуд темир йўлларнинг юк ўтказиш қувватини анча кенгайтириш вазифасини қўймоқдалар. Бу вазифани муваффақият билан амалга ошириш учун, даставвал составларга юк ортишни анча кўпайтириш ва поездлар ҳаракатини тезлаштириш лозим. Ҳозир тепловозлар секциясининг қуввати 2500-2750 от кучигача етказиш соҳасида иш олиб борилмоқда.

Яқин вақтларгача мамлакатимиздаги, шунингдек чет эллардаги барча тепловозлар фақат суюқ ёқилғи билан ишлар эди. Совет олимлари ёқилғи сифатида кўмирдан фойдаланувчи тепловозлар яратиш соҳасидаги вазифани муваффақият билан ҳал қилдилар. Темир йўл транспортидаги тортув воситалари ичида кўмир кукуни (майдаси) билан ишлайдиган газотрубовозлар айниқса диққатга сазовордир. Паровозлар билан бирхил қуввата эга бўлган газотрубовозлар паровозларга нисбатан кўмирни 4-5 марта кам истеъмол қилади.

Газотрубовозлар паровозларга нисбатан ҳар томонлама жуда катта иқтисодий устунликларга эгадир. Шунинг учун ҳам нисбатан 10 баравар ортиқ ҳозирги пайтда олимлар ва конструкторлар газотрубовозлар яратиш устида иш олиб бормоқдалар. 1957 йилда темир йўл транспорти тортув воситаларининг янги тури — газ трубали локомотивлар мамлакат темир йўл магистралларида қатнай бошлайди.

Мамлакатимизда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш ҳаракати кенг қулоч ёймоқда. Ана шу янги ўзлаштирилган районларни техника, ёқилғи, озиқ-овқат ва бошқа хил товарлар билан таъминлаш, у ерда етиштирилган ҳосилни ташиб олиш учун темир йўллар қурилмоқда. Қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилган районлардаги тор изли темир йўлларда қатновчи махсус 300 от кучига эга бўлган тепловоз тайёрланди. Ҳозир бу янги дизель локомотиви ҳар тарафлама синовдан ўтказилмоқда.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1956-1960 йилларга мўлжалланган олтинчи беш йиллик плани юзасидан КПСС XX съезди Директиваларида мамлакат темир йўлини электрлаштириш масаласига алоҳида эътибор берилган. «Яқин 10-15 йил ичида, — деб кўрсатилади Директиваларда, — энг кўп юк ташиладиган энг муҳим томонлардаги ва тоғлик районлардаги темир йўлларни, шунингдек пассажирлар жуда кўп қатнайдиган темир йўл магистралларини ҳамда йирик саноат марказларининг шаҳар атроф участкаларидаги темир йўлларни электрлаштириш амалга оширилсин. Олтинчи беш йиллика 8100 километр масофада темир йўл, ёки бешинчи беш йиллиқдагига қараганда 3,6 баравар кўп темир йўл электрлаштирилсин».

Темир йўл транспортини электрлаштириш — транспортнинг бу соҳасида техниканы янада тараққий этдиришнинг муҳим звеносидир. Электровозлар юк ташиш таннархини 25-30 процент камайтириш, темир йўлларнинг юк ўтказиш қувватини 1,5-2 баравар кенгайтириш, ёқилғи сарфлашни 3-4 баравар камайтириш, иш шароитини яхшилаш ва шу асосда темир йўл транспортида иш маданиятини ошириш имконини беради.

1955 йилда электрлаштирилган линияларда юк ташиш ҳажми 1937 йилдагига нисбатан 10 баравар ортди. 1960 йилда эса электрлаштирилган линияларда юк ташиш ҳажмини 1937 йилдагига нисбатан 43 баравар ошириш кўзда тутилади.

Олтинчи беш йилликда темир йўл транспорти камида 2000 та электровозлар, шу жумладан ҳарбири 5700 от кучига эга бўлган 8 ўқли 400 та электровоз олади. Янги, кучли электровозлар ҳозир Новочеркасск локомотивсозлик заводида синовдан ўтказилмоқда.

Мамлакатимиз темир йўл транспортининг келажаги янада порлоқдир. Яқин келажакда асосий магистралларда пассажир поездлари соатига 150-160 километр, юк поездлари эса 100-120 километр тезликда қатнайбошлайди. Темир йўлларда тепловозлар, электровозларнинг янги турлари, газотрубовозлар, ҳар бири 100 тонпагача юк кўтара оладиган вагонлар қатнайдиган кунлар узоқ эмас.

Шу йил апрель ойининг ўрталарида Тошкент тепловоз депоси ТЭ-3 типидаги тепловозлардан биринчи олди. Бу тепловоз ТЭ-2 тепловозларига нисбатан икки баравар кучлидир. Яқин кунларда Тошкент ва Ўрта Осиёнинг бошқа магистральларида бу қудратли тепловозлар қатнай бошлайди. Тошкент магистралининг темир йўлчилари локомотивнинг бу янги турини бошқаришни зўр иштиёқ билан ўзлаштирмоқдалар. Тошкент тепловоз депосининг илғор машинистларидан Д. Сўлтонов, М. Митюшников, А. Конкин ва бошқа ўртоқлар ТЭ-2 тепловозларида ишлаб катта тажриба ортдирдилар ва составларни оғирлиги жиҳатидан олтинчи беш йиллиқнинг охирги йиллари учун мўлжалланган нормага етказай деб қолдилар.

Яна бир неча йиллан кейин мамлакат темир йўл транспортида янги ва кучли тепловозлар, электровозлар ҳамда газотрубовозлар юк ва пассажир поездларини гоят юқори тезликда юрита бошлайдилар. Темир йўл транспортининг ана шу янги тортув воситалари ёрдами билан тошкентликлар икки суткадан ҳам кам вақт ичида севимли Москвага етиб борадиган, москваликлар эса улуғ Хитойнинг пойтахти Пекинга тўрт кун ичида етиб борадиган кунлар узоқ эмас.

С. НЕСТЕРОВИЧ.

Бутун куч ва воситалар дала ишлари суръатини янада кучайтиришга сафарбар қилинсин!

☆ ☆ ☆

Бўстонлиқ районида ғўза парваришидаги қолоқликка хотима берилсин

Ҳозир райондаги Молотов номли колхознинг ўртоқ Қамариддин Ғиёсов бошлиқ бригада ғўзасини кўрган кишининг ҳаваси келади. 75 гектар ердаги ғўза барқ уриб ўсмоқда. Қатор ораларида бегона ўтлар мутлақо кўринмайди. Ягана сифатли ўтказилган. Бригада аъзолари ҳар гектар ерда туплар тўла бўлиши учун ўз вақтида қурашганлар. Ҳамма ерда ғўзалар бир текис ва нормал қалинликда жойлаштирилганлиги яққол кўриниб турипти. Ғўза парвариши даврида Умар Иброҳимов, Ҳайдар Риқиллаев, Танга Онорова, Тумор Бужақова сингари илғорлар кунлик нормаларини 150-200 процент қилиб бажармоқдалар.

Тажрибали универсалчи ўртоқ Нурмуҳаммад Мусаев культивация қилиш билан бир вақтда СУЗ установкаси билан минерал ва маҳаллий ўғит аралашмасини ҳам солиб кетмоқда. Икки йигит ариқ бўйига тўкилган яхши чиритилган гўнгни эдаб, минерал ўғитга аралаштирмоқда. Ер четидаги катта ариқнинг ҳар жой-ҳар жойида чуқур кавланиб, маҳаллий ўғит солиб қўйилган.

— Буни ғўзага сув билан оқизиш учун тайёрлаб қўйдик, — деди бригада бошлиғи.

Умуман Молотов номли колхозда ғўза парваришининг биринчи цикли тамомланиб, иккинчи цикли ҳам яхши олиб борилмоқда.

Бу колхозда механизаторлар билан колхозчилар ҳамкор бўлиб пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун чинакам ҳаракат қилмоқдалар.

Бироқ шу колхозга қўшни бўлган «Қизил ту» колхозида дала ишлари яхши уюштирилмаган. Ўртоқ Бодомбой Тўхтанов бошлиқ бригаданинг квадрат-уялаб чигит экилган, лекин ўт босиб кетган ерида олдин кўндалангига культивация қилиш ўрнига узунасига культивация қилинган. Чигит текис униб чиқмаган ерларда қўшимча чигит экиш нотўғри ўтказилган. Қол билан экилган чигит трактор экиб кетган қатордан 10-12 сантиметр четга тушган. Натижада бу чигитлардан униб чиққан ғўзалар трактор билан ишланган вақтда бутунлай босилиб кетади.

Ўртоқ Тўронқул Бойтўраев бошлиқ бригаданинг 18 гектарлик ерида колхозчилар ғўза чопмоқда. Чигит жуда сийрак. Униб чиққанига қарамай, бригада бошлиғи ўзбошимчалик қилиб, трактор билан қаторларни кўндалангига қирқтирган. Натижада ғўза дна сийрак бўлиб, айрим қаторлар ҳатто бутунлай бўшаб қолган.

Ўртоқ Аҳмад Ахетов бошлиқ бригаданинг катта йўл ёқасидаги ерида ғўзалар кўллатиб суғорилмоқда. Шу бригаданинг бедаси бузилиб чигит экилган 30 гектар ерида ғўза жуда сийрак, бунинг устига уни ўт босиб кетган. Даланинг ярмида ҳозир ғўза кўчатлари анча текислаб олинган бўлса ҳам, лекин ягана қилинмаган. Иккинчи бўлак ўт босиб ётган ер суғорилган-у, аммо бир жойда сув кўл бўлса, иккинчисига етиб бормаган. Чунки ер чигит экиш олдида яхшилаб, текислаб мола бостирилмаган. Нами қочган, катта кесаклари майдаланмаган ерга чигит экила берган.

Ўртоқ Бодомбой Тўхтанов бошлиқ бригадада ҳам нами қочган, серкесак ерга экилган чигит 38 кунда ҳам текис униб чиқмаган. Шундай қилиб, бу колхозда ҳозиргача 30 гектар ерда чигит униб чиқмаган. Лекин чигитни текис ундириб олиш тадбирлари кўрилмаган. «Қизил ту» колхозида ғўзани биринчи озиқлантириш учун ҳеч қандай тайёргарлик олиб борилмаяпти. 60 тонна минерал ўғит ҳалигача ташиб олинмаган. Колхозда 25 от-арава ва етарли миқдорда маҳаллий ўғит бўлгани ҳолда, далага бирор арава ҳам ўғит чиқарилмаган. Бўстонлиқ МТСи колхозда шартномадаги олтита ўрнига 5 та универсал юборди. Шоислом Ўтабоев, Асқар Сереков ўртоқлар сингари универсалчиларнинг ҳар бири кунига 8 гектар ўрнига 4-5 гектар ерни культивация қиларпти. Умуман «Қизил ту» колхозида ғўза парвариши ҳаддан ташқари кечиктириб юборилмоқда.

«Чирчиқ» колхозидаги Тўйчи Орипов бошлиқ бригадасининг 30 гектар ерида ҳам ғўза сийрак униб чиққан. Ер четларига қисман чигит экилган бўлса ҳам қатор ораларидаги ола ерларга чигит экилмаган. Бу колхозда 3 та универсал бор. Лекин универсалчиларнинг ўз вақтида ишга чиқиши устидан ҳеч ким назорат қилмайди.

Колхоз агрономи ўртоқ И. Верланин даладаги ишларни агротехника талабларига мувофиқ равишда ўтказилишини контроль қилмаётир. Ўртоқ Шер Ашуров бошлиқ бригаданинг бутун бир картасидаги ғўзанинг ярми икки томонга қараб ишлатга мослаштирилган. Бу шубҳасиз яхши. Бироқ трактор бу ерда кўндалангига қараб ишлаган вақтида картани чараси тўғри бўлмагани учун пайкалнинг қоқ ўртасидан ғўзаларни босиб қайрилиши керак. Натижада қариб бир гектар ердаги ғўза нобуд бўлган.

Умуман олганда қулай ер шароитига, маҳаллий ўғитга, етарли сувга эга бўлган Бўстонлиқ районидаги колхозларда ғўза парваришига яхши эътибор берилмаётир.

Район раҳбарлари жиддий ёрдамга муҳтож бўлган «Қизил ту» сингари колхозларда «узоқ, йўли ёмон» деган баҳона билан, айниқса камдан-кам бўладилар. Иш устида амалий ёрдам бермайдилар. Шунинг учун ҳалигача райондаги пахта майдонида ғўзанинг 50 процента яганаланмаган. Фақат 227 гектар ердаги ғўза озиқлантирилган. Биринчи культивация тамом бўлмаган. Бундай аҳвол билан асло келишиб бўлмайди. Юз берган камчиликларнинг олдини олиш учун кескин чоралар кўриш керак.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати» махсус мухбири.

Бекобод районидаги 1-МТСнинг илғор универсалчиси ўртоқ Маъмур Деҳқонов ўз агрегатидан тўла ва унумли фойдаланган ҳолда фидокорлик билан меҳнат қилиб кунлик культивация нормасини 1,5-2 ҳисса адо этаётир. **Суратда:** ўртоқ **Маъмур Деҳқонов.**
А. Ким фотоси
(ЎзТАГ фотохроникаси).

Янгийўл районидаги Ворошилов номли колхознинг ўртоқ Мадад Саидов бошлиқ бригада аъзолари барча майдонларда ғўза парваришини кучайтириб, 50 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олиш учун курашаётирлар. **Суратда:** ўртоқ **Мадад Саидов.** **Қ. Розиқов** фотоси
(ЎзТАГ фотохроникаси).

Юқори ҳосилли колхозлар

Октябрь колхози Мирзачўл районидаги энг йирик ва мўл ҳосилли қишлоқ хўжалик ходимларига қарата чиқарган Мурожаатидан илҳомланган колхоз аъзолари 993 гектар ерда соғлом ва дуркун ўсаётган ғўзаларини юқори агротехника қоидалари асосида сифатли парвариш қилмоқдалар.

Колхозда бу йил 650 гектар пахта майдонида ғўзалар янги, прогрессив усулда квадрат-уялаб ўстирилмоқда. Аламат механизаторлар ғўзаларга икки томонлама сифатли ишлов бериб, колхоз аъзоларининг ҳурматига сазовор бўлаётирлар. Бу соҳада М. Эргашев, Э. Пирматов, Б. Крестьянов, Т. Аҳмедов каби механизаторлар айниқса, яхши натижаларга эришаётирлар.

Колхоз аъзолари бу йил мавжуд пахта майдонининг ҳар гектаридан она-Ватанга 30 центнердан ҳосил топшириш мажбуриятини олганлар. Ана шу юксак мажбуриятни шараф билан бажариш йўлида ўзаро социалистик мусобақани кучайтириб юборган колхознинг А. Умаров, Н. Клочков, Р. Ризаев бошлиқ бригада аъзолари бошқаларга намуна кўрсатиб ишлаётирлар. Бу бригадаларнинг квадрат-уялаб ўстираётган ғўзалари сифатли парвариш қилинаётганлиги сабабли барқ уриб ривожланмоқда.

Райондаги Каганович номли колхоз аъзолари ҳам «Октябрь» колхози аъзолари эришаётган муваффақиятлардан ўрнак олган ҳолда ғўза парваришини кунданкунга кучайтираётирлар. Колхознинг А. Кобилов бошлиқ бригада аъзолари ҳозир барча майдондаги ғўзаларни тўла ягадан чиқариб, сифатли культивация қилиб, биринчи парваришни тамомладилар.

В. ШОДМОНОВ,
М. АБДУРАИМОВ,
З. РУЗИБОЕВ.

Ипакчиликда кўтарма дасталардан кенг фойдаланайлик

Об-ҳавонинг салқинлиги, бунинг устига тут баргининг табиий намлиги таъсирида, қуртлар яхши озиқланмайди. Шунингдек қуртхоналарнинг шамоллатилмаслиги ҳам қуртларни нормал ривожлантирмайди. Натижада пилла ҳосилини ошириш ва унинг сифатини яхшилаш учун пилла ўратишда кўтарма дасталардан кенг қўлланиш лозим. Кўтарма даста сўкчаклар устига қўйилгач, пилла ўрашга тайёр қуртлар унга чиқиб олади. Сўнгра дасталар бошқа хонага олиб чиқилади ёки шу хонанинг бўш ерига қўйилади. Сўкчакда қолган қуртлар эса етилгунча озиқлантирилади ва кейиндан улар ҳам кўтарма дастага олинади.

Янги усулнинг қўлланилиши натижасида қуртлар яйраб яшнаб, деярлик нобуд бўлмайди ва пилла сифати яхшиланади. Бу усулни қўлланган илғор пиллачилар мўл ҳосил олиб, унинг сифатини яхшиланга эришаётирлар. Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозининг звено бошлиғи ўртоқ Марзия Ҳамроева 1955 йилда ҳар қути қурт уруғидан 93,1 килограммдан пилла олишга муваффақ бўлди. Шунингдек Янгийўл районидаги Сталин номли колхозининг звено бошлиғи Тошой Омонова ва бошқалар ҳам янги усулни қўллаб, мўл ҳосил етиштираётирлар.

Кўтарма даста ясаш учун йўғонлиги 3-4 сантиметр, узунлиги сўкчакни эплайдиган рейка ёки тут новдалари олиниб, уларга қатор теріб дасталар боғланади. Сўнгра дасталар рейкалар сўкчакларга қўйилади, қатор орасига ҳали пилла ўрашга тайёр бўлмаган қуртлар учун барг солинади. Пилла ўрайдиган қуртлар дасталарга чиқиб олгач, даста билан кўтарилиб, бошқа жойга олинади.

Илғорлар тажрибасида синовдан яхши ўтган бу янги усулни кенг қўллаб, пилладан мўл ҳосил етиштирайлик.

Т. ИСАЕВ,
агроном.

☆ ☆ ☆

Каноп ва жут экинларининг дастлабки парвариши кечиктирилмоқда

Қуйи Чирчиқ районининг Димитров номли, «Интернационал», Ленин номли колхозлари аъзолари каноп ва жут экинларини сифатли ишланган ерларга, қулай агротехника муддатларида экиб, уруғини бехато ундириб олдилар. Ҳозир барча майдонларни ямяшил каноп ва жут ўсимликлари қоплади. Колхозчилар меҳнат интизомини мустаҳкамлаб, ўзаро социалистик мусобақа байроғини баланд кўтариб, механизациядан тўла ва унумли фойдаланган ҳолда, экинларнинг дастлабки парваришини кучайтириб юбордилар. Социалистик мусобақа шартларининг қандай бажарилаётганлигини аниқлаш мақсадида Юқори Чирчиқ районидан келган текширишч бригадаси аъзолари ҳам бу районнинг илғор колхозлари аъзолари эришаётган муваффақиятлардан мамнун бўлдилар.

Аммо мусобақадошлар «Путь к коммунизму», Каганович номли, Сталин номли, Будённий номли, «Қизил шарқ» колхозларида бўлганларида бутунлай бошқача манзарани кўрдилар. Масалан, ўртоқ Пак Сек Ноқ раислик қилаётган Сталин номли колхозда 60 гектарга яқин майдон ҳалигача ҳайдалгани йўқ. «Ер тайёр эмас» деган баҳона билан 170 гектардан ортиқ майдонга ҳалига қадар жут экилмаган. Бунга мавжуд куч ва техникадан тўла ва унумли фойдаланишга етарли эътибор бермаслик сабаб бўлаётир. МТС томонидан юборилган ҳайдов тракторлари ва универсаллар қоникарсиз ишлаётир. 9 универсалдан 18 майда 4 таси, 19 майда 5 таси бекор турган. Қолганлари колхоз агрономи ўртоқ Т. Ботировнинг айтишича «Қандайдир қисми синганлиги, яна бир детали етишмаётганлиги, иккитаси эса культивация қилиш учун ҳали етилган ер йўқлиги» учун ишламай бекор турипти. Ваҳоланки, колхозда 113 гектар экин майдони ўз вақтида культивация қилинмаганлиги сабабли оқариб ётипти. Бригада бошлиқлари Ким Илья, Цой Ен Сен ўртоқлар бу экин қатор ораларини ўз вақтида культивация қилиб беришни талаб қилиш ўрнига ҳотиржам бўлиб юриптилар.

Мусобақадошлар кўпчилик бригадаларда тўла гектар учун ҳам ҳеч қандай кураш олиб бормаётганлигини аниқладилар. Ўртоқ Худойқулов бошлиқ 3- бригаданинг 38 гектар майдонида 35-40 процента яхши уруғ унмаган. Бригада бошлиғи эса бу ерларни дарҳол суғориш ва уруғни бир текис ундириб олиш, хато жойларга қўшимча уруғ экиш ҳақида ҳеч қандай бош қотирмаётир. Шунингдек, ер четларига, ўқ ариқларга ва бурчакларга ҳалигача уруғ экилмаган. Колхоз раҳбарлари бу ачинарли аҳволни кўра-била туриб, ҳеч қандай чора кўрмаётирлар. Улар бригадалардаги ишлар устидан тўғри контроллик қилмайдилар. Талабчанлик ҳам йўқ. Ана шунинг учун ҳам экинларнинг дастлабки парваришида кўпол хатоликларга йўл қўйилмоқда.

Колхозда меҳнат интизоми мустаҳкам эмас. Ишчи кучлари дала ишларига тўла жалб қилинмаётир. Натижада кетмон чопиғи ҳам ҳаддан ташқари судралмоқда. Уз вақтида культивация ва чопиқдан чиқарилмаган ерларда ўсимликларни бегона ўтлар босиб кетган. Бунга ўртоқ Б. Қоратоев бошлиқ бригада яққол мисол бўла олади. Мусобақадошлар бу бригаданинг 120 гектар каноп экилган еридан 30 гектарини гумай қоплаб олганлигини, лекин бунга қарши ҳеч қандай чора кўрилмаганлигини аниқладилар. Худди шундай аҳвол колхознинг ҳамма бригадаларида ҳам давом этмоқда.

Юқори чирчиқликлар Будённий номли колхозда ҳам экин парваришида хато ва камчиликларга йўл қўйилаётганлигини кўрдилар. Колхознинг А. Шаминов бошлиқ бригадасида 54 гектар ерда зарпечак тарқалган. Зарпечакни йўқотиш, унинг бошқа далаларга ўтишига йўл қўймаслик зарур. Лекин бригада бошлиғи ҳам, колхоз раҳбарлари ҳам ҳеч қандай чора кўрмаётирлар. Хато жойларга қўшимча уруғ экиш ҳақида сўраб қолсангиз колхоз раҳбарлари «қўлимизда тайёр уруғ йўқ» деб жавоб берадилар. Хўш, нима учун тайёр уруғ йўқ? Шунинг учунки, колхоз раҳбарлари ҳар хил баҳона билан жут экилиши лозим бўлган майдонларга ҳам каноп эктирганлар, уруғликни ҳаддан ташқари исроф қилганлар. Натижада қўшимча экиш учун уруғлик қолмаган.

Колхозда механизация кучидан ҳам ёмон фойдаланилмоқда. Шу вақтга қадар 400 гектар майдонда экин кетмон чопиғи ва 404 гектар майдонда культивация қилинган, холос. Колхозда 8 универсал бор. Белгиланган график бўйича ҳар куни 40 гектардан каноп майдони культивация қилиниши лозим. Агар бу график тўла бажарилганда эди, экин майдонларини бегона ўт ва зарпечаклар қоплаб олмаган бўлар эди. Колхознинг ўртоқ А. Ким бошлиқ қилаётган 2- бригадасида ҳам Шаминов бригадасидагидек қўпол хатоларга йўл қўйилмоқда. Экин парвариши ҳаддан ташқари сифатсиз олиб борилаётганлиги, меҳнат унумининг ниҳоятда пастлиги натижасида ўсимликлар яхши ривожланмаётир.

Мусобақадошлар Каганович номли колхозда 70 гектар, «Қизил шарқ» колхозида 50 гектар, Андреев номли колхозда 70 гектар экин майдонига ҳалигача каноп ёки жут экилмаганлиги, раҳбарларнинг ишга ғоят бепарволик билан қараётганликларини кўрсатади.

Дастлабки парваришч графиклари бажарилмаётир. Колхозларда график бўйича биринчи комплекс парвариш 20 майгача тамомланиши керак эди. Афсуски, бу график қоғозларга қолиб кетмоқда. Ўртоқ Рўзиматов раислик қилаётган Каганович номли колхозда бор-йўғи 167 гектар, «Путь к коммунизму» колхозида 119 гектар, ўртоқ Ойхўжаев раислик қилаётган «Қизил шарқ» колхозида 225 гектар каноп экинлари культивация қилинган, иккинчи культивация район бўйича ҳали бошланмаган.

Район колхозлари ва МТСларининг, шунингдек партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари каноп ва жут экинларининг дастлабки парваришида йўл қўйилаётган ана шундай хато ва камчиликларни тезда бартараф қилиб, техника экиндаридан мўл ҳосил етиштиришни таъминлаш учун курашишлари керак.

Район колхозчилари мусобақадошларнинг ҳақли танқидларидан тўғри хулоса чиқариб, уларнинг қимматли маслаҳатларига амал қилишлари, экинлар парваришини ҳар тарафлама кучайтириб юборишлари зарур.

У. ЖОНГИТОВ,
К. ПЕРШИЕВ.
«Тошкент ҳақиқати» ва «Колхоз учқуни» газеталарининг рейд бригадаси.

Сирдарё пахта далаларида

Сирдарё районидаги Сталин номли колхознинг пахта далаларида ҳаёт қайнамоқда.

Шу кунларда колхознинг барча бригада ва звеноларида ғўза парваришини айниқса уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Ғўза парвариши конвейер усулида ташкил этилганлиги сабабли иш сифати яхшиланмоқда. Ғўзанинг дастлабки парваришини кучайтиришда 2-МТСнинг И. Прослов, А. Аҳмедов ўртоқлар бошлиқ трактор бригадасининг универсалчилари алоҳида ташаббус билан ишлаб, кунига 70 ўрнига 80-100 гектар ердаги ғўза қатор ораларини ҳам узунасига, ҳам кўндалангига культивация қилаётирлар.

Шунингдек райондаги Тарас Шевченко номли, Маленков номли, Хрушчев номли бир қатор колхозларда ҳам ғўзанинг дастлабки парвариши зўр уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

Н. САИДОВ,
З. ОРТИҚОВ,
А. МУҲАМЕДОВ.

Генрик Ибсен

(Вафотига 50 йил тўлиши муносабати билан)

1956 йил 23 майда совет халқи бошқа мамлакатларнинг халқлари сингари норвеж халқининг энг йирик ёзувчиси Генрик Ибсен вафотига 50 йил тўлган кунини нишонлайди.

XIX аср 80-йилларидаёқ Россияда Ибсеннинг рус тилида нашр қилинган пьесалари пайдо бўлди. Норвеж драматургининг ижодига қизиқиш шу қадар кучли эдики, 90- йиллардан бошлаб Россияда Генрик Ибсен айрим пьесаларининг бир қанча нашрлари билан бир қаторда унинг асарлар тўплами бир неча марта босилиб чиқди. Кейин унинг пьесалари рус театрлари саҳнасида ҳам қўйила бошлади.

Ибсен пьесаларининг рус театрларида қўйилиши тарихи дастлаб 1898 йилда ташкил этилган Москва Бадиий театри фаолияти билан боғлиқ. Рус саҳна санъатининг улуғ реформатори К. С. Станиславский: «Чехов сингари Ибсен ҳам бизни ҳаркандай санъат пайдо бўладиган кундалик ҳаёт моҳиятини билиб олишга ўргатди, биз актёрлар ҳаётнинг моҳиятини тушиниб иш кўришга ҳаракат қилардик», деб ёзди.

Ибсеннинг бадиий театр саҳнасидаги биринчи пьесаси Станиславский томонидан 1899 йил февралида постановка қилинган «Хедда Габлер» эди. Ундан кейин Ибсеннинг бошқа пьесалари ҳам қўйилди. Бу постановкалар ва бошқа пьесалар жуда катта муваффақият қозонди. 1900 йилнинг декабрида А. М. Горький Станиславскийга қуйидагиларни ёзган эди: «Бетобман. Москвага бориш ва «Штокман»[1] билан «Биз мурдалар тирилганимизда»[2]ни яна бир марта кўриш имкониятига эга бўлмаганлигимдан хафаман. Бизнинг одамлар «Мурдалар»ни[3] кўриб қойил қолишди. Мўъжизаларни ҳикоя қилишяпти». А. П. Чехов: «Сиз биласизми, Ибсен менинг севимли ёзувчим» деб ёзган эди.

Александр Блок ҳам улуғ Ибсен ҳақида ёзган эди.

Ибсен ижодини чинакам илмий асосда таҳлил қилган биринчи асар ҳам Россияда майдонга келди: ёзувчи вафот этган 1906 йилда Г. В. Плехановнинг «Генрик Ибсен» деган мақоласи эълон қилинди. Плеханов Ибсеннинг кучли ва заиф томонларини кўрсатиб, унинг ижодига юксак баҳо берди. «Генрик Ибсен вафоти билан, — деб ёзган эди Г. В. Плеханов,— ҳозирги, замон жаҳон адабиётининг энг машҳур ва энг жозибадор арбобларидан бири саҳнадан кетди. У драматург сифатида қариб ўз замондошларининг ҳаммасидан устун деса бўлади». Кейинчалик Ибсен ижодини ўрганишга яна бир кўзга кўринган жамоат арбоби ва чет эл адабиётини яхши билган А. В. Луначарский ҳам киришган эди.

Ўтган асрнинг 80- йилларида Ибсен бошқа кўпгина мамлакатларга ҳам машҳур бўлади. Масалан, Англияда ўша пайтда ёш бўлган ёзувчи Бернард Шоу ўзини Г. Ибсеннинг шогирди деб эълон қилди, инглиз театрини янгилаш учун курашган Шоу Ибсен драматургиясига суянди. Худди ўша даврда Германия адабиёт майдонида ёзувчиларнинг ёш авлоди пайдо бўлди, булар ҳам немис театрини юксалтиришга ҳаракат қилдилар ва бу мақсад йўлида Ибсен намунасини баланд кўтардилар.

Генрик Ибсеннинг бундан чорак аср бурун рус ва жаҳон жамоатчилиги эътиборини ўзига бу қадар тортганлигига сабаб нима? Ибсен асарларининг бизни, бошқа давр кишиларини ҳаёжонлантириб, қизиқтириб, ҳозир ҳам яшаб келаётганлигининг сири қаерда?

1900-1901 йил мавсумида бадиий театр саҳнасида Ибсеннинг «Халқ душмани» («Доктор Штокман») пьесаси қўйилди. Спектакль фавқулодда катта муваффақият қозонди. Бунга албатта пьесанинг бош қаҳрамони — доктор Штокман ролини К. С. Станиславскийдек моҳир актёр ўйнаганлиги ҳам сабаб бўлган. Лекин постановканинг катта муваффақият қозонганлигига дастлабки сабаб томошабинларнинг пьеса қаҳрамони гапларини зўр хайрихоҳлик билан кутиб олганлигидир. Бу давр 1905 йил революциясининг арафаси бўлиб, революция шамоллари эсиб турган ўша давр Россияси шароитида Ибсен қаҳрамонларининг эрк севарлиги ва улардаги саркаш исёнкорлик руҳи айниқса яққол сезиларди. Ибсен ижодидаги худди ана шу гуманистик хусусиятлар унинг номини ўлмас қилиб қўйди.

Генрик Ибсен 1828 йилда денгиз бўйидаги Шиен деган шаҳарда, қашшоқлашиб қолган коммерсант оиласида туғилди. У Европада кескин ижтимоий воқиалар, революцион кураш кучайиб бораётган бир шароитда ўсди, тарбияланди ва санъаткор сифатида шакланди. Норвегиянинг ўзида капитализмга бўлган муносабатлар парчаланаётган, капитализм кучаяётган, Швециядан мустақил бўлиш учун миллий озодлик кураши ўсиб бораётган эди. Буларнинг ҳаммаси норвеж адабиётининг ривожланишига таъсир қилди. Ф. Энгельс 1890 йилда: «...Сўнгги йигирма йил ичида Норвегия адабиёт соҳасида шундай бир юксалиш даврини босиб ўтдики, бундай юксалиш билан ана шу даврда Россиядан бошқа бирор мамлакат мақтана олмасди», деб ёзган эди. Ана шу юксалиш дастлаб Ибсен фаолияти билан боғлиқдир.

Генрик Ибсеннинг ўтган аср 40-50 йилларидаги шеър ва драмалари унинг ўзига жуда характерли бўлган прогрессив ижтимоий қараётларга, хайрихоҳлик туйғуларини акс эттирган эди. У Европанинг бир қанча мамлакатларидаги революциянинг кенгайиб боришини диққат билан кузатиб борди. Норвегия миллий озодлик ҳаракатидан илҳомланди.

Ибсеннинг ана шу даврда яратган пьесаларидаёқ юксак ижтимоий идеалдан илҳомланган довюрак ва ғайратли кишининг романтик образи, қаҳрамонлик характерининг хусусиятлари ёрқин акс этаётган эди («Эстротлик фру Ингер», «Тахт учун кураш»). Драматург ўз қаҳрамонларидаги жасурлик, ватанпарварлик каби фазилатлар орқали халқнинг ажойиб сифатларини типиклаштирди, ўзининг прогрессив ижтимоий ҳаракатини кузатишдан ҳосил бўлган мулоҳазаларини умумлаштирди. Ўз замондошларини миллий ва демократик руҳда тарбиялашга ҳаракат қилди.

Ибсен ўз драматургиясида норвеж фольклори ва Норвегия тарихи материалларидан кенг фойдаланди. «Тугалмас олтин сочмалари бўлган қўшиқларга поэзиянинг мурожаат қиладиган вақти келди», — деб ёзган эди у 1867 йилда.

Ибсен норвеж миллий санъатини ривожлантириш учун ўзининг курашини асослаб жаҳон маданияти миллий маданиятларинг жамидир, ўзингнинг миллий маданиятингни ривожлантирсанг ва улуғ жаҳон маданиятига хизмат қилишинг мумкин деган фикрни айтган эди. Шу билан бирга Ибсен бу масалада ҳар қандай чегараланиш ва бир ёқламаликдан узоқ эди. Ватанпарвар ёзувчи бўлган Ибсен норвеж маданиятини ривожлантириш ҳақидаги ғамхўрликни бошқа мамлакатлар ҳаёти ва санъатига қатта эътибор бериш ҳисси билан боғлаган эди, у Норвегиянинг улуғ санъаткори сифатида камолга етар экан ўз билимини бошқа халқлар ижтимоий ва маънавий ҳаётининг тажрибалари билан бойита борди.

1864 йилда Генрик Ибсен узоқ вақтга Норвегиядан чиқиб кетишга мажбур бўлди. Ибсен ватанпарварлиги билан реакцион норвеж буржуазияси миллатчилиги ўртасидаги фарқ тобора кескин ва яққол кўзга ташланадиган бўлиб қолди. Буржуазия ёзувчининг дадил фикрларига чидай олмай уни заҳарлай берди.

Капитализмнинг Норвегиядаги тараққиёти Ибсеннинг романтик иллюзияларини пучга чиқарди, унинг буржуа жамиятига нисбатан оппозициясини кучайтирди. Драматург ижодидаги реалистик традициялар тобора мустаҳкамланиб борди.

60—80-йилларда Ибсен ўзининг «Бранд», «Пер Гюнт», «Жамиятнинг устунлари», «Қўғирчоқ уйи», «Ҳаёлий шарпа», «Халқ душмани» каби энг яхши драмаларини яратди. Бу пьесаларда драматург буржуазияни шафқатсизлик билан танқид қилади, унинг довюрак ва сергайрат қаҳрамони эса мещчанлик қабиҳлигига, таъмагирлигига ва худбинлигига қарши курашчининг хусусиятларига эга бўлади. Масалан, Бранд ана шундайлардандир. У курашчининг хусусиятларига эга бўлади, тарозгўйлик ва руҳий қўрқоқликни газаб билан савалайди, кишиларни юксак мақсадларга даъват этади. Буржуа жамиятидаги оила учун типик муносабатлардан воз кечишга, журъат қила олган бу жамиятнинг ғайриинсоний ва аёлларни қўғирчоққа айлантирадиган қонунларини ёмон деб эълон қила олган аёл Нора («Қўғирчоқ уйи») ҳам ана шундайдир. Буржуазияга, ўз умрини яшаб тугатган ҳамма эксплуататор синфларига хос бўлган консерватив, инсонга қарши маслак ва принципларни—ҳалоқатли шарпалар ҳукмронлигини фош қилувчи фру Алвининг («Ҳаёлий шарпа») ана шундайдир. Буржуа корхона эгаларининг қабиҳ кирдикорларига, таразгўйлик ва таъмагирликларга қарши мардона курашувчи доктор («Халқ душмани») ҳам шундайдир.

Ибсен бу қаҳрамонларнинг душманлари—буржуа жамиятининг «устунлари»ни, таразгўй, ўзига бино қўйган мещчанларни ижобий қаҳрамонлар фазилатларига тамоман қарама-қарши қилиб кўрсатди. Бу ҳол Бранд ва Пер Гюнт образларида драматург томонидан кўзга яққол ташланадиган ва сезиларлик қилиб ифодаланган. Агар Бранд юксак ижтимоий идеалга хизмат қилишни мақсад қилиб олиб, шу мақсад йўлида охиригача ғалаба билан курашса, Пер Гюнт ўз табиати билан қаҳрамонларнинг эгоистик характери натижасида юзага келган тутуриқсизликнинг ифодасидир. Мосланиш ва компромиссларга устаси бўлган Пер Гюнт ташқаридан қараганда кўп қиррали бўлса ҳам, аммо аслида қуруқ ва ҳеч нарсага арзимайдиган кишининг образидир.

Лекин Генрик Ибсенда жиддий қарамақаршиликлар ҳам мавжуд, унинг ижоди ёзувчининг дунё қарашидаги маълум чегаралангликни ўзида акс эттирди. Ибсен халқ оммасининг сиёсий курашига етарли баҳо бермайди. У айрим шахсларнинг ахлоқий улуғворлиги ва маънавий гўзаллигига умид боғлаб, шахснинг имкониятларини жуда ошириб юборади. Шунинг учун унинг пьесаларида индивидуализм, қаҳрамон шахсни буржуазияга, мещчанларгагина эмас, балки бутун бир жамиятга қарши қўйиш майиллари пайдо бўлди. Ибсен ҳар доим халқ қутратига қойил бўлиб келган бўлса ҳам айни вақтда унинг жамиятни ўзгартиришдаги ҳал қилувчи ролига етарли баҳо беролмади. Шунинг учун ҳам Ибсен ижобий қаҳрамонларининг фаолияти чегараланган, кўпинча жуда мавҳум, баъзан эса самарасиздир.

Генрик Ибсен драматик санъатнинг буюк устаси эди. У драма қаҳрамонлари образини чизиш, драматик ҳаракатни ҳал қилиш саҳна диалогини тузиш ва ҳоказолардаги янги усуллари билан ҳам жаҳон адабиётига катта ҳисса қўшди. Лекин Ибсеннинг маҳоратини тор маънода тушуниш ярамайди. Масалан, унинг ўзи ўша даврдаги Франция буржуа драматик мактаби техник жиҳатдан чинакам ноёб асарлар берди, лекин бу санъат эмас, балки ташқи маҳорат, омилкорликдир, деб кўрсатган эди. Ибсен 1874 йилда студентлар олдида сўзлаган нутқида поэтик ижодиётда асосий нарса-кўрабилиш ва кўрганларни акс эттира олиш, деб айтган эди. У ёзувчининг вазифаси давр ва жамиятни ҳаёжонлантирган масалаларни аниқлаб олиш ва бошқаларга тушинтириб беришдан иборат деб ҳисоблар эди. Ибсен ўзига хос мардлик ва ижчилик билан шу мақсадга хизмат қилган эди.

Ибсен рус маданияти ва адабиётига жуда зўр қизиқиш билан қаради. У жаҳон маданиятини ривожлантиришдаги Россиянинг улуғ ролини таъкидлади.

Ибсен 1873 йилдаги Вена виставкаси ҳақидаги хатида рус санъатини «энг тийрак ва олий даражадаги шижоатли миллий илҳом» деб таърифлади. У рус маданияти ва адабиётининг гуллаб яшнаётганлигини Россиядаги революцион кураш билан боғлади.

Генрик Ибсен — Норвегиянинг улуғ ёзувчиси. Уни шу даражага халқ олиб чиқди. Халқ ҳаёти ва кураши Ибсенни илҳомлантирди, ундаги кескин ва келишириб бўлмайдиган зиддиятларга қарамасдан унда шундай дунё қараш ва кенг билим доирасини етиштирдики, буларсиз катта санъатнинг бўлиши мумкин эмас эди.

Гуманист ва демократ Генрик Ибсен ижодининг ажойиб фазилатлари бизга яқин ва азиздир. Ибсен хотирасининг нишонланиши дунёнинг бошқа халқларига, уларнинг миллий генийлари яратган асарларга ҳурмат туйғуларини янада кучайтиришга ёрдам беради, бутун дунё халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Л. АНДРЕЕВ.

---

[1] «Штокман» — Г. Ибсеннинг «Халқ душмани» («Доктор Штокман») пьесаси.

[2,3] А. М. Горький Г. Ибсеннинг «Биз мурдалар тирилганимизда» пьесасини назарда тутади.

Руминия Халқ Республикасининг элчиси И. Раб шарафига В. М. Молотов ҳузурида зиёфат

Руминия Халқ Республикасининг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси И. Раб янги вазифага тайинланганлиги сабабли Москвадан жўнаб кетаётгандигидаги муносабати билан СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари ва Ташқи Ишлар Министри В. М. Молотов 21 майда унинг шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда Руминия Халқ Республикаси Элчихонасининг маслаҳатчилари М. Т. Влэд, И. Кун, Ҳарбий Атташе генерал-майор А. Парасхив ҳозир бўлдилар.

Зиёфатда совет томонидан СССР Ташқи Ишлар Министрининг Биринчи Ўринбосари В. В. Кузнецов, СССР Ташқи Ишлар Министрлиги Протокол бўлимининг мудири Ф. Ф. Молочков, СССР Ташқи Ишлар Министрлиги 5- Европа бўлими мудирининг вазифасини бажарувчи К. Д. Левичкин, 5- Европа бўлимининг маслаҳатчиси Ю. Н. Черняков ҳозир бўлдилар.

Зиёфат дўстона, самимий вазиятда ўтди. (ТАСС).

СОВЕТ-ЮГОСЛАВИЯ ИЛМИЙ АЛОҚАЛАРИ

СССР Фанлар академиясининг ижтимоий фанлар фундаментал кутубхонаси Югославиядаги 30 та илмий ташкилот билан, шу жумладан Белграддаги Серб фанлар академияси, Загребдаги Югослав, Любляндаги Словен фанлар академиялари билан китоблар алмашиб турибди.

Совет олимлари, айниқса тарихчилар, лингвистлар, славяншунослар фундаментал кутубхонада Югославиядан олинаётган янги китоблар билан мунтазам суратда танишиб турмоқдалар. Шу кунларда кутубхона «Биринчи серб қўзғолони тарихига доир материаллар», «Югославия халқлари тарихи юзасидан Византия манбаълари» сингари қимматли китобларни, шунингдек Новий Сад шаҳрининг маданият тарихи материалларининг икки томини олди.

СССР Фанлар академияси Белграддаги Ҳарбий-тарих институтидан. «Халқ-озодлик уруши тўғрисидаги ҳужжатлар ва материаллар тўплами»нинг 30 томини олди. Ҳозирги вақтда Югославияда чиқарилаётган «Югославия энциклопедияси», «Умумий энциклопедия» ва «Помор энциклопедияси» деган янги энциклопедик нашрларнинг биринчи томлари кела бошлади.

Яқинда Москвадан Югославия олимлари учун кўпгина илмий китоблар жўнатилди. Бу китоблар орасида Любляна университетини қизиқтираётган «Арабий мерос» томлари, ҳозирги замон рус адабий тилининг луғатлари, шунингдек айрим монографиялар, очерклар, совет олимларининг мақолалари бор. Загреб университети ҳузуридаги Славян институтининг сўровига биноан бир қанча асарлар юборилди. Шу йилнинг тўрт ойи ичида китоб айирбошлаш ҳажми деярлик 1955 йилдаги ҳажмга етди.

Ҳозирги вақтда Москвадаги фундаментал кутубхона «Новая литература по Югославии» номли ойлик бюллетень нашр этмоқда. Унда Югославиядан СССРга олинаётган илмий нашрларнинг тўла рўйхати, шунингдек бу мамлакат тўғрисида Совет Иттифоқида эълон қилинаётган ҳамма материалларнинг тўла рўйхати босилмоқда. (ТАСС).

АФҒОНИСТОННИНГ СУВ ТОШҚИНИДАН ЗАРАР КЎРГАН АҲОЛИСИГА СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ ЁРДАМИ

КОБИЛ, 21 май (ТАСС). Кеча Афғонистондаги совет элчихонасининг биринчи секретари М. А. Богачев Афғонистон Қизил Ярим Ой жамиятида бўлиб, Чехансур районида тошқиндан зарар кўрган аҳолига ёрдам бериш фондига Совет Қизил Крест ва Қизил Ярим Ой жамиятининг илтимосига биноан 20 минг афғоний пул топширди. Жамият бу ёрдами ташаккур билан қабул қилди.

21 майдан Москвадаги М. Горький номли Бадиий Академик театрининг филиалида Югославия драматик театри коллективининг гастроли бошланди. Меҳмонлар москвалиларга М. Горькийнинг «Егор Буличев ва бошқалар», Марина Држичанинг «Дундо Марое» комедиясини кўрсатадилар. **Суратда:** «Егор Буличев ва бошқалар» спектаклидан бир кўриниш. Ксения ролини артист Рахела Ферари, Александр ролини артист Дубравка Перич, Егор Буличев ролини артист Миливойе Живанович ўртоқлар ижро этмоқдалар. (ТАСС фотохроникаси).

ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ БИРДАМЛИГИ СОВЕТ КОМИТЕТИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Осиёдаги 15 мамлакат жамоатчилиги вакилларининг 1955 йилда Деҳлида халқаро кескинликни юмшатишга бағишланган Конференцияси бўлган эди. Бу конференция Осиё мамлакатларидаги тинчликсевар кучларни жипслаштиришда катта роль ўйнади. Конференция бутун дунё халқларига мурожаат қилиб, тинч-тотув яшашнинг беш принципини қатъият билан амалга оширишга эришишга қизғин даъват қилди.

Ҳозир бу принципларни кўпгина халқлар ва давлатлар қўллаб-қувватламоқда.

Деҳлидаги Конференция қатнашчилари халқаро кескинликни юмшатиш ва барча халқлар ўртасида тинч муносабатларни ривожлантириш мақсадида Осиё халқларининг иқтисодий ва маданий тараққиёти манфаатларини кўзлаб шу мамлакатлар халқлари ўртасида самарали ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг жуда катта аҳамияти борлигини якдиллик билан қайд қилдилар.

Шунга биноан Конференция президиуми Осиё мамлакатлари бирдамлигининг доимий Комитетини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди, шунингдек бирдамлик миллий комитетлари тузиш мақсадга мувофиқ эканлигини айтди. Ҳозирги вақтда Осиёнинг турли мамлакатларида кенг кўпчилик вакиллардан иборат бирдамлик комитетлари тузилмоқда.

СССР, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон, Арманистон, Грузия ва Озарбайжон Совет Социалистик Республикаларининг жамоатчилик ташкилотлари Осиёдаги тинчликсевар халқлар билан дўстона алоқаларни ҳар томонлама кенгайтиришга совет халқининг интилаётганлигини ифодалаб, улар ҳам Осиё мамлакатлари бирдамлигининг Совет комитетини тузишни зарур деб топдилар.

Комитет составига қуйидаги кишилар аъзо бўлиб кирди: М. Турсунзода — ёзувчи, Тожикистон ССР, комитет раиси; А. Софронов — «Огонёк» журналининг бош редактори — Комитетнинг масъул секретари; П. Азимов — Туркманистон ССР Университетининг ректори; М. Авэзов — ёзувчи, Қозоғистон ССР; З. Бобохонов — Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Диния назорати раисининг ўринбосари; Т. Бердиев — Туркманистон ССР Фанлар академиясининг президенти; Б. Бультрикова — Қозоғистон ССР Социал-таъминот министри; А. Губер — СССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг директори; Е. Жуков — СССР Фанлар академиясининг корреспондент-аъзоси; К. Кондучалова — жамоат арбоби, Қирғизистон ССР; М. Нестеров — Бутун иттифоқ савдо палатаси Президиумининг раиси; К. Сатпаев — Қозоғистон ССР Фанлар академиясининг президенти; Г. С. Севунц — ёзувчи, Арманистон ССР; Н. Тихонов — ёзувчи; М. А. Тўпчибошев — Озарбайжон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти; Ж. Хўжаев — Ўзбекистон ССР Касаба союзлари советининг раиси; А. А. Хорава — СССР халқ артисти, Грузия ССР; Х. Йўлдошев — архитектор, Тожикистон ССР Фанлар академиясининг аъзоси; Б. Юнусалиев — Қирғизистон ССР Университетининг ректори; С. Юнусов — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти.

Осиё мамлакатлари бирдамлиги Совет комитетининг адреси:

Москва, Кропоткин кўчаси, 10- уй.

Хитойга келган Покистон касаба союз делегацияси раҳбарининг баёноти

КАРАЧИ, 21 май (ТАСС). Карачи радиоси қуйидаги хабарни эшиттирди: Ҳозирги вақтда Хитойда бўлган Покистон касаба союз делегациясининг раҳбари Бирлашган Миллатлар Ташкилотини Хитой Халқ Республикасининг вакилларини БМТда қатнаштириш тўғрисидаги масалани ҳал қилишга чақирди.

У Шанҳайда бўлган матбуот конференциясида баёнот бериб, БМТ Хитой Халқ Республикасининг ишда турганлигидан кўз юма олмайди, деди.

«МУЗОҚАРАЛАР СОВЕТ-ФРАНЦИЯ МУНОСАБАТЛАРИ ТАРИХИДА ЯНГИ САҲИФА ОЧДИ»

ПЕКИН, 21 май. (ТАСС). Франция-Совет музокараларининг якунлари Хитой матбуотининг диққат марказида турибди.

«Жэньминьжибао» газетаси «Совет-Франция муносабатларининг янада ривожланиши» сарлавҳали бош мақоласида бу музокаралар СССР билан Франциянинг бир-бирларининг фикрларини англашларига ва ўз нуқтаи назарларини яқинлаштиришларига ёрдам берди, халқаро кескинликни янада юмшатишга ёрдам берди, деб уқтириб ўтади. Музокараларнинг муваффақияти, деб ёзади газета, совет ва француз халқларининг дўстлиги туфайли, уларнинг ҳамкорликка интилишлари туфайли таъминланди.

Бу муваффақият, деб ёзади яна «Жэньминьжибао» газетаси, Совет ҳукумати томонидан қаттиқ қўллик билан амалга оширилаётган ташқи тинчлик сиёсатининг натижаси бўлди ва айни вақтда Франция ҳукуматининг халқаро кескинликни юмшатишга интилаётганлиги туфайли ана шу муваффақиятга эришилди. Совет-Франция музокараларининг якунлари СССР билан Франция ўртасидаги муносабатларда янги даврни очади. Ана шу муносабатларнинг ривожланиши халқаро кескинликни янада юмшатишга самарали таъсир кўрсатади.

Таньцзинда чиқадиган «Дагунбао» газетаси «Тинч-тотув яшаш кучларининг мустаҳкамланиши» сарлавҳали бошмақоласида Москвада тамом бўлган Совет-Франция музокараларини шарҳлаб, бу музокаралар Совет-Франция муносабатлари тарихида янги саҳифа очди, деб ёзади. Бу музокаралар дўстликни ривожлантириш уруғларини сочди. Бу уруғлар мўл ҳосил бериши мумкин. Бир неча кун мобайнида, деб ёзади газета, бутун дунёнинг эътиборини Франция-Совет музокараларига қаратилди ва ҳозирги вақтда халқлар ана шу музокаралэрнинг якунларидан мамнундирлар. Тинч-тотув яшаш заҳнамизнинг асосий оқимидир. Совет-Франция музокарларининг якунлари ана шу асосий оқимнинг кучларини мустаҳкамлайди.

СОВЕТ-ФРАНЦИЯ МУЗОҚАРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА ПОЛЬША ГАЗЕТАСИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

ВАРШАВА, 21 май. (ТАСС). Польша матбуоти Совет Иттифоқи ва Франция давлат арбоблари ўртасида Москвада олиб борилган музокараларнинг натижаларини кенг шарҳламоқда. «Трибуна люду» газетаси бугун «Тинч-тотув яшаш идеясининг янги муваффақияти» сарлавҳали бошмақоласида қуйидагиларни ёзади:

Пессимистларнинг ҳар қандай фолларига қарамай, қўшма Совет-Франция баёноти тинч-тотув яшаш идеясининг ва бу идея асосий принципларининг янги муҳим муваффақиятидир. Москва музокараларининг натижалари манфаатдор ҳар иккала томон ўртасида дўстона ҳамкорликни ривожлантириш учун катта аҳамиятга эгадир. Ҳар иккала мамлакат ўртасида савдо-сотиқни кенгайтириш планлари, маданий ҳамкорликнинг кенг программаси буни яққол исбот этади.

Аммо, деб уқтириб ўтади «Трибуна люду» газетаси, Совет-Франция битимларининг аҳамияти ҳар иккала давлат ўртасидаги муносабатлар доирасидан ташқарига ҳам чиқади. Совет Иттифоқи ва Франция вакиллари ўзаро ишончни мустаҳкамлашга ва сиёсий, иқтисодий ҳамда социал системалари турлича бўлган давлатлар ўртасидаги муносабатларни яхшилашга ёрдам бериш учун бутун чораларни кўришга маҳкам бел боғлаганликларини таъкидладилар.

Қуролсизланиш масаласи юзасидан Совет-Франция баёноти катта аҳамиятга эгадир. Ҳар иккала ҳукумат давлатларнинг ва, биринчи галда, беш буюк давлатнинг қуролли кучларини ва қурол-яроғларини кўп миқдорда камайтириш соҳасида зарур чоралар кўриш тўғрисида битим тузиш зарур эканлигини таъкидлади. Совет Иттифоқи ва Франция ҳукуматларининг қуролсизланиш тўғрисидаги қўшма баёноти баъзи ҳукуматларнинг кечиктириб бўлмайдиган ана шу масалада сўздан амалий ишга ўтишдаги имкониятини енгиллаштирадиган қўшимча фактор бўлади. Бунга шак-шубҳа йўқ.

«Трибуна люду» газетаси мақоланинг охирида бундай деб ёзади: Барча тинчликсевар кишилар Совет-Франция музокараларининг натижаларини самимий мамнуният билан кутиб оладилар. Франция-Совет музокараларининг натижалари халқаро миқёсда муҳим воқеа бўлиб, давлатларнинг тинч-тотув яшаш идеяси Европаларга ва бутун ер юзидаги янгиданянги мамлакатларни ўз ичига олаётганлигини яна бир марта исбот этади.

АҚШ Тинч океанда водород бомба портлатди

НЬЮ-ЙОРК, 21 май (ТАСС). Америка телеграф агентликларининг хабарига қараганда, АҚШ кеча Бикинида атолласида (маржон оролларги) биринчи марта осмондан ташлаб водород бомба портлатган.

Бомба «В-52» деган самолётдан тахминан 15 минг метр баландликдан ташланган.

Американинг Тинч океанда водород қуролини синаб кўришига қарши Япония норозиликлар

ПЕКИН, 21 май (ТАСС). Япония радиоси эшиттирган хабарлардан маълум бўлишича, кеча Қўшма Штатларнинг Тинч океан районида водород бомба портлатганлиги Япония жамоатчилиги ўртасида норозилик ҳаракатини кенг қучайтириб юборган.

Хабарларда айтилишича, Хиросима шаҳрининг атом ва водород қуролини тақиқлаш учун курашувчи Кенгаши шу муносабат билан АҚШ президенти Эйзенхауэрга норозилик телеграммаси юборган. Шу билан бирга Кенгаш баёнот эълон қилган. Баёнотда айтилишича, Хиросима аҳолиси бундан бўён ҳам бутун тинчликсевар инсоният билан биргаликда атом ва водород қуролининг тақиқланиши учун кураш олиб боради.

Атом ва водород қуролини тақиқлаш учун курашувчи Япон кенгашининг бош секретари Ясуи Америкаларнинг водород бомбани синаб кўрганлигига қарши бутун норозилик билдирди. Ясуи АҚШнинг Япония ва жаҳон жамоатчилиги билдирган норозиликларни менсимаганлиги муносабати билан таассуф билдирди. У, буюк давлатларнинг атом ва водород қуролини тақиқлаш тўғрисида тезроқ битим тузишлари учун ва бу ишни қурол-яроғларни камайтириш масаласи билан боғлаб амалга ошириш учун конкрет чоралар кўришга чақирди.

Хабарларда айтилишича, Қўшма Штатларнинг Тинч океан районида водород бомба портлатганлиги Япония балиқ саноати доираларида ҳам норозилик туғдирган. Бу доираларнинг вакили Исао Конде бугун баёнот бериб, Қўшма Штатларнинг ҳозирги водород қуролини синаб кўриши Япония балиқ саноатига жиддий зарар етказади деган.

Тошкентдаги физкультура техникумининг 3-курс студенти Зоя Козлова маҳоратли спортчилардандир. **Суратда:** учинчи разрядли **Зоя Козлова** брусьеда машқ қилмоқда.

А. Палехов фотоси.

Факультетлараро спартакиада

Тошкент Молотов номидаги медицина институти студентларининг факультетлараро XIII традицион спартакиадаси бўлиб ўтди. Спартакиадага 1000 га яқин спортчи студент қатнашди. Спартакиада спортнинг ҳамма турлари бўйича бўлди. Велосипед пойгасида студентлардан А. Вололазов, Р. Саидов, Г. Годунова ва Н. Сакуповалар яхши натижаларга эришдилар.

Енгил атлетика бўйича гигиена ва санитария факультети студентлари энг юқори кўрсаткичга — 34685 очкога эга бўлдилар. Мўлтон этишда даволаш факультетининг II курс студенти Лола Қодирова 100 имкониятдан 95 очкога эга бўлиб, иккинчи разрядни олишга эришди. У, институт қизлари орасида янги рекорд қўйиш билан бирга ТашМИ чемпиони унвонини олди.

Гимнастика бўйича 8 студент иккинчи разряд, 24 студент учинчи разряд нормасини бажаришга муваффақ бўлди.

Футбол мусобақаларида даволаш факультети студентлари биринчи, санитария ва гигиена факультети студентлари иккинчи ўринни олишга эришдилар.

Штанга кўтаришда вазнлар бўйича Алимов, Абдуллаев ва Абдумўминовлар ҳам ТашМИ чемпиони номини олдилар.

Институтда XIII факультетлараро спартакиадада санитария ва гигиена факультети биринчи, даволаш факультети иккинчи, педиатр факультети учинчи ўринни эгалладилар.

Ўғри ушланди

Шу йил 9 май куни кечаси соат 2 да участковой Абдурахмонов ўз уйига қайтар эди. У, йўлда қоп орқалаган бир кишини учратди. Бу киши милиция ходимида қандайдир шубҳа туғдирди. Абдурахмонов қоп кўтарган кишини ушлади ва қопдаги кийим-кечаклар бегоналики эканлигига ишонч ҳосил қилди. Ҳийлакор Борисенко ўз айбига иқрор бўлмади. Шундан кейин Тошкент шаҳар 8-милиция бўлимининг ходимлари Борисенконинг изига «Кобра» лақабли итни қўйишди. Сезгир «Кобра» милиция ходимларини Кисловодская кўча 2-уйда яшовчи Рисак деган аёлнинг уйига олиб борди. Уйга кирадиган эшикнинг зулфини синдирилган бўлиб, уй эгаси йўқ эди. Милиция ходимлари уй эгаси келгунча шу ерда уни кутишди.

Маълум бўлишича Михаил Борисович Борисенко экскаватор заводида бўёқчи бўлиб, бегуноҳ қиз жиноятчи деб топилиши мумкин эди. Лекин масаланинг бу қадар енгиллик билан ҳал бўлиши подполковникни ҳам, капитан Мозаринни ҳам қаноатлантирмайди. Капитан Мозарин янгиданянги далиллар қидиради, ва кўпгина қийинчиликлардан сўнг ҳақиқий жиноятчилар Карасева, Грунин ва Башликовлар эканлигини аниқлашга муваффақ бўлади.

Ўз ишига нисбатан талабчан, ҳаракатчан эксперт Надежда Корнева (артист Т. Пилецкая), тадбирли ва узоқни ўйлаб иш қиладиган милиция подполковниги Градов (артист М. Бернес) эркатой, сержаҳл, лекин софдил ва фидокор студентка Людмила Иркутова (артистка Л. Шагалова) образлари ҳам ўзига хос характери, темпераменти билан томошабинлар диққатини тортади.

Артистка В. Токарская кейинчалик ишпонлиги аниқланган «фармацевт» никоби остидаги аёлнинг жирканч қиёфасини усталик билан очиб ташлайди. Мана, ўз фамилиясини Карасева деб айтган бу «гуноҳсиз» аёл терговчининг олдида ўтирибди. Сўроқнинг дастлабки пайтларида, у, жуда ёвош, қўй оғзидан чўп олмаган аёлдек кўринади. Лекин артистнинг усталиги туфайли, рад қилиб бўлмайдиган фактлар очила боргач, бу аёлнинг юзлари, кўз қарашлари ва важоҳати томоман бошқача тус олади. У зўр бериб, ўзининг гуноҳсизлигини уқтирмоқчи бўлса ҳам, барибир бу ишнинг уддасидан чиқа олмайди. Унинг жасуслик фаолияти узил-кесил фош қилинади. Артист Е. Весник ва Н. Хошчановлар яратган Грунин, Башликов деган бандитларнинг образи ҳам ишонарлиги, ҳаққонийлити билан ажралиб туради. Грунин кўпни кўрган, жиноятчиликда анчагина тажриба ортдирган маккорлардандир.

Бу ерда бир эътироз айтиб ўтиш керак. Грунин Башликов билан биргаликда капитан Мозаринга ҳужум қилиб ини йўқ қилиб юборомоқчи бўлади. Қаттиқ олишув бўлади. Мозарин ҳушидан кетади. Жиноятчилар капитан энди ўлди деб, дарҳол уни бир чеккага суриб қўядилар, телефон орқали қандайдир «Мария Николаевна» билан гаплашиб Иркутовани машинаси билан дарҳол бу ерга келиши лозимлигини айтадилар-да, тезда чиқиб кетадилар. Аммо капитан Мозарин ҳушига келади ва ўғриларнинг кимлигини уларнинг гапларидан билиб олади. Томошабин ана шундай ашаддий ва маккор душман бўлган Грунинларнинг Мозаринга нисбатан қилган марҳаматига ишонгиси келмайди. Нохатки, жиноятлари очилиб қолишига ўзларининг ҳам кўзи етиб турган бандитлар, капитан Мозарин ҳушидан озган деб ўйлаб уни ташлаб чиқиб кетсалар,! Бундан ташқари жасус Карасеванинг ўқитувчи Некрасованинг пулини уни машинада босиб кетиш йўли билан олишига ҳам ишониш қийин. Чунки Карасева ўзининг Грунин ва Башликов сингари шайкаларига эга. У Некрасованинг пулини олиш учун бошқача йўл тутиши ҳам мумкин эди.

Фильмда милиция ходимларининг жонкуярлиги, ғамхўр ва меҳрибонлигини кўрсатувчи, кишини ҳаяжонга келтирадиган эпизодлар кўп. Масалан, капитан Мозаринниг касалхонага кириб майиб бўлган хотиндан ўпиниг эти, фамилиясиня сўраб билиб олиш картинаси томошабинларни ҳаяжонга солмасдан қўймайди. Шунингдек жасус Карасева қўлга тушиб сўроқ қилинаётган пайтида унинг ҳузурига ўқитувчи Некрасованинг коляскада олиб кириліши ва ана шу моментда жиноятчиларнинг саросимага тушиб, милиция ходимларининг қолқона назар билан уларга тикилиб туриш эпизоди ҳам томошабинлар эсида узоқ сақланади.

Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, барча ижрочилар милиция ҳаётига бағишланган фильмда биринчи марта қатнашганлар. Аммо фильмни кўрган томошабин артистларимиз милиция ҳаётини гавдалантириш ишига ниҳоят зўр қизиқиш билан киришганликлари, картинанинг яратилиш даврида милиция ишининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ кўпгина қийинчиликларини муваффақият билан енгаолганликларини ҳис қилиб, қувонади. Фильм юқоридаги баъзи бир камчиликлардан қатий назар совет милицияси ходимларининг ҳаёти, сартузаштлари тўғрисидаги ҳаққоний қизиқарли санъат асаридир. Томошабинлар бундан бўён ҳам ана шундай фильмларни тез-тез кўриб туришни истайдилар.

Н. РИХСИЕВ.

КИНО

СОВЕТ МИЛИЦИЯСИ ХОДИМЛАРИ ҲАҚИДА ФИЛЬМ

Бейнинги вақтларда совет милицияси ходимларининг ажойиб ва қаҳрамонона ҳаёти тўғрисида матбуотимиз саҳифаларида тез-тез мақола, очерк ва ҳикоялар босилиб чиқа бошлади. Бу бечиз эмас. Совет милиционери халқимизнинг осойишта ва ғўзал ҳаётини, давлат ва жамоат мулкини қўриқловчи, жиноятчилар билан курашувчи, тартиб ва интизом ўрнатилиши устидан назорат олиб борувчи масъулиятли ходимдир. Шунинг учун ҳам совет кишиларида ана шу камтар милиция ходимларининг ҳаётига бағишланган китобларга, санъат асарларига бўлган қизиқиш катта. Томошабинларимиз ҳам милиция ходимлари ҳақидаги фильмларни кўришни кўпдан бери орзу қилиб юрар эдилар.

Мосфильм киностудияси томонидан ишлаб чиқарилган ва пойтахтимиз экранларида зўр муваффақият билан кўрсатилаётган «306-сон дело» кинофильми томошабинларимизнинг ана шу истагини қондириш йўлида қўйилган дастлабки қадамдир.

...Булутли, ёмғир ёғаётган кеча. Москва кўчаларидан бирида енгил «Победа» машинаси анча ёшга кириб қолган бир аёлни уриб кетади. Тартиб бузар бу машинани милиция старшинаси тўхтатмоқчи бўлганда шофер уни ҳам босиб қочади. Хўш, бу бахтсизлик воқеаси қандай рўй берди? Бу олдиндан ўйлаб қилинган жиноятми ёки эҳтиётсизлик натижасими! Фильмда милиция ходимларининг ана шу саволга жавоб топиш учун актив ҳаракат қилганликлари натижасида жиноятчилар топилиши ва фош қилиниши кўрсатилади.

Фильм авторлари характерли эпизодлар орқали совет милиция ходимларини юксак маънавий қиёфаси, жасоратини, хушёрлигини акс эттирувчи ҳаяжонли картина яратга олган. Милиция ходимлари ҳамма вақт хушёр ва сергак бўлиши, ниҳоятда эпчиллик ва чаққонлик билан иш юритиб «арзимас», «кўзга кўринмайдиган» фактлардан ҳам жиноятни аниқлашда моҳирлик билан фойдалана олиши керак.

Жиноятчи шоферни аниқлаш иши капитан Мозаринга топширилади. Вазифа оғир ва масъулиятли. Чунки жиноятни аниқлаш учун далиллар тўлиқ эмас. Бирикки гувоҳ ва ярадор бўлган старшинанинг берган кўрсатмалари асосида машинанинг кумушранглиги, уни оқ кўйлак кийган бир аёл ҳайдаб бораётганлиги, номерининг охири 45 билан тугаганлиги аниқланади, холос. Фильм қаҳрамонлари эпчиллик, ғайрат ва донолик билан ҳаракат қилиб жиноят тарихини таг-томиригача очиб ташлайдилар

Фильмнинг ютуғи дастлаб шундаки, воқиалар бир-бирига узвий равишда боғлаб берилади. Томошабин дастлабки кадрларни кўздан кечириш биланоқ, фильм қаҳрамонларининг ишини бутун вужуди билан берилиб кузатади. Улар билан бирга ҳаракат қилиб, бирга нафас ола бошлайди.

Фильмнинг муваффақиятли чиқишида капитан Мозарин ролини ўйнаган, ёш талантли артист Б. Битюковнинг хизмати алоҳида тақдирга сазовордир. Б. Битюков бизга «Ёш гвардия» «Олтин юлдуз кавалери», «Тайгадаги воқиа» каби кинофильмлардан маълум. Бу гал ҳам Битюков зўр маҳорат билан ўйнаб ўз ишини севган, жиддий ва сергайрат ҳамда толмас милиция капитани образини зўр маҳорат билан яратиб бера олган.

Битюков—Мозарин — томошабин кўз ўнгида жиноятчини қидириб топиш ишига бутун вужуди билан киришган, мақсадга эришиш йўлида гувоҳлардан тортиб то оддий, кўзга кўринмас фактларгача ҳам усталик билан фойдалана биладиган тажрибали терговчи бўлиб гавдаланади. Дастлаб, у, жиноятчи доктор Иркутовнинг қизи Людмила Иркутова бўлса керак деб ўйлайди. Чунки фактлар жиноят докторнинг машинаси орқали амалга оширилганлигидан далолат берар эди. Гувоҳ Грунин Людмилани жиноят содир бўлган пайтда рулда ўтирган қиз деб таниса бас, 306-дело бўйича олиб борилаётган тергов иши тамом бўлиб, бегуноҳ қиз жиноятчи деб топилиши мумкин эди. Лекин масаланинг бу қадар енгиллик билан ҳал бўлиши подполковникни ҳам, капитан Мозаринни ҳам қаноатлантирмайди. Капитан Мозарин янгиданянги далиллар қидиради, ва кўпгина қийинчиликлардан сўнг ҳақиқий жиноятчилар Карасева, Грунин ва Башликовлар эканлигини аниқлашга муваффақ бўлади.

Ўз ишига нисбатан талабчан, ҳаракатчан эксперт Надежда Корнева (артист Т. Пилецкая), тадбирли ва узоқни ўйлаб иш қиладиган милиция подполковниги Градов (артист М. Бернес) эркатой, сержаҳл, лекин софдил ва фидокор студентка Людмила Иркутова (артистка Л. Шагалова) образлари ҳам ўзига хос характери, темпераменти билан томошабинлар диққатини тортади.

Артистка В. Токарская кейинчалик ишпонлиги аниқланган «фармацевт» никоби остидаги аёлнинг жирканч қиёфасини усталик билан очиб ташлайди. Мана, ўз фамилиясини Карасева деб айтган бу «гуноҳсиз» аёл терговчининг олдида ўтирибди. Сўроқнинг дастлабки пайтларида, у, жуда ёвош, қўй оғзидан чўп олмаган аёлдек кўринади. Лекин артистнинг усталиги туфайли, рад қилиб бўлмайдиган фактлар очила боргач, бу аёлнинг юзлари, кўз қарашлари ва важоҳати томоман бошқача тус олади. У зўр бериб, ўзининг гуноҳсизлигини уқтирмоқчи бўлса ҳам, барибир бу ишнинг уддасидан чиқа олмайди. Унинг жасуслик фаолияти узил-кесил фош қилинади. Артист Е. Весник ва Н. Хошчановлар яратган Грунин, Башликов деган бандитларнинг образи ҳам ишонарлиги, ҳаққонийлити билан ажралиб туради. Грунин кўпни кўрган, жиноятчиликда анчагина тажриба ортдирган маккорлардандир.

Бу ерда бир эътироз айтиб ўтиш керак. Грунин Башликов билан биргаликда капитан Мозаринга ҳужум қилиб ини йўқ қилиб юборомоқчи бўлади. Қаттиқ олишув бўлади. Мозарин ҳушидан кетади. Жиноятчилар капитан энди ўлди деб, дарҳол уни бир чеккага суриб қўядилар, телефон орқали қандайдир «Мария Николаевна» билан гаплашиб Иркутовани машинаси билан дарҳол бу ерга келиши лозимлигини айтадилар-да, тезда чиқиб кетадилар. Аммо капитан Мозарин ҳушига келади ва ўғриларнинг кимлигини уларнинг гапларидан билиб олади. Томошабин ана шундай ашаддий ва маккор душман бўлган Грунинларнинг Мозаринга нисбатан қилган марҳаматига ишонгиси келмайди. Нохатки, жиноятлари очилиб қолишига ўзларининг ҳам кўзи етиб турган бандитлар, капитан Мозарин ҳушидан озган деб ўйлаб уни ташлаб чиқиб кетсалар,! Бундан ташқари жасус Карасеванинг ўқитувчи Некрасованинг пулини уни машинада босиб кетиш йўли билан олишига ҳам ишониш қийин. Чунки Карасева ўзининг Грунин ва Башликов сингари шайкаларига эга. У Некрасованинг пулини олиш учун бошқача йўл тутиши ҳам мумкин эди.

Фильмда милиция ходимларининг жонкуярлиги, ғамхўр ва меҳрибонлигини кўрсатувчи, кишини ҳаяжонга келтирадиган эпизодлар кўп. Масалан, капитан Мозаринниг касалхонага кириб майиб бўлган хотиндан ўпиниг эти, фамилиясиня сўраб билиб олиш картинаси томошабинларни ҳаяжонга солмасдан қўймайди. Шунингдек жасус Карасева қўлга тушиб сўроқ қилинаётган пайтида унинг ҳузурига ўқитувчи Некрасованинг коляскада олиб кириліши ва ана шу моментда жиноятчиларнинг саросимага тушиб, милиция ходимларининг қолқона назар билан уларга тикилиб туриш эпизоди ҳам томошабинлар эсида узоқ сақланади.

Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, барча ижрочилар милиция ҳаётига бағишланган фильмда биринчи марта қатнашганлар. Аммо фильмни кўрган томошабин артистларимиз милиция ҳаётини гавдалантириш ишига ниҳоят зўр қизиқиш билан киришганликлари, картинанинг яратилиш даврида милиция ишининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ кўпгина қийинчиликларини муваффақият билан енгаолганликларини ҳис қилиб, қувонади. Фильм юқоридаги баъзи бир камчиликлардан қатий назар совет милицияси ходимларининг ҳаёти, сартузаштлари тўғрисидаги ҳаққоний қизиқарли санъат асаридир. Томошабинлар бундан бўён ҳам ана шундай фильмларни тез-тез кўриб туришни истайдилар.

Н. РИХСИЕВ.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 23/V-да **Ҳолисхон.** 24/Vда **Чин муҳаббат.**

НАВОИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/V да **Травиата**, 24/V да **Боқчасарой фонтани.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/V да **Тоҳир ва Зуҳра**, 24/V да **Сурмахон.**

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА

«РОДИНА», НАВОИ номли «ЁШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «ИСКРА» (кеч соат 8—20 минутгача) — янги бадиий фильм **306-сон дело.**

«РОДИНА» — кеч соат 10 да **Севги ёши:**

НАВОИ номли — кеч соат 10 яримда **Тугалланмаган қисса:**

«ИСКРА» (кеч соат 8—20 минутдан) — **Ирена, уйга қайт!**

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ВАТАН», НАВОИ номли, «ИСКРА», «ХИВА», «УДАРНИК» — **306-сон дело.**

«ИСКРА» (Кафанов номли парк) — **Пирсдаги соя:**

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 39040. Қишлоқ хўжалик бўлими — 135. Саноат ва транспорт бўлими — 132 Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 03845. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1441.